

Н. Х. ТУФЛИЕВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТОҒОЛДИ, ЯЙЛОВ ВА ЧЎЛ ҲУДУДЛАРИДА
УЧРАЙДИГАН ЗАРАРЛИ ЧИҒИРТКАЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШ ЧОРАЛАРИ



ТОШ КЕНТ - 2019 йил

Ўзбекистон республикаси қишлоқ; ХУЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ
«УЗАГРОКИМЁХИМОЯ» АЖ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
УСИМЛИКЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

ТУФЛИЕВ НОДИРБЕК ХУШВАҚТОВИЧ

1

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТОҒОЛДИ, ЯЙЛОВ ВА
ЧЎЛ ҲУДУДЛАРИДА УЧРАЙДИГАН ЗАРАРЛИ
ЧИГИРТКАЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ
ЧОРАЛАРИ

ТОШКЕНТ-2019 йил.

UDK: 440.256.17

КБК: 44.14.(5У)

A-27

Н.Х.Туфлиев. Ўзбекистоннинг тоғолди, яйлов ва чул ҳудудларида учрайдиган зарарли чигирткалар ва уларга қарши кураш. Монография. — Т.: “Navro'z”, 2019. — 263 б.

Таъризчилар:

Гаппаров Ф.А. - кишлоқ хужалиги фанлари доктори, профессор,
Усимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот
института, “Зарарли чигирткалар ва энтомопатоген
микроорганизмларни урганиш” лабораторияси мудири;
Анорбаев А.Р. - кишлоқ хужалиги фанлари доктори, Тошкент
давлат аграр университети, “Усимликларни химоя
қилиш” кафедраси мудири.

Монографияда Ўзбекистоннинг тоғолди, яйлов ва чул ҳудудларида
учрайдиган зарарли чигирткалар ва уларга қарши кураш чоралари бўйича
узок йиллик олиб борилган тадқиқотлар, лаборатория ва дала
тажрибаларидан олинган илмий натижалар баён этилган.

Хусусан Республикамизнинг тоғолди, яйлов ва чул ҳудудларида
учрайдиган чигирткалар тур-таркиби у^{таъинланган} - К^{ишлоқ хужалик}
экинларига хавф тугдирадиган тўда ҳосил қилувчи ва тўда ҳосил
қилмайдиган чигирткаларнинг зарарли турлари аниқланган. Ушбу зарарли
чигирткаларнинг ҳудудларда тарқалиш ареаллари, қупайиш сабаблари, уларга
қарши микробиологик, кимёвий ҳамда тусик усулида ва бошқа афзал кураш
технологиялари бўйича қуп йиллик тадқиқот натижаларидан олинган илмий
маълумотлар келтирилган.

Мазкур монография Тошкент давлат аграр университети Илмий
кенгашининг 2019 йил 30 июлдаги йиғилишида қуриб чиқилиб (18-сонли
баённома) нашрга тавсия э т и д г а н .

ISBN: 978-9943-568-11-

«Navro'z»' нашриёти 2019

КИРИШ

Маълумки зарарли чигирткалар дунё буйича соҳа мутахассислари томонидан доимий равишда эътиборни талаб этади. Биргина Урта Осиё ва Кавказ давлатларида таркалган тўда ҳосил қилиб яшовчи марокаш, италия ва осиё чигирткаларига уз вақтида қарши кураш чора-тадбирлари утказилмаса, 25 млн. гектардан ортпк майдондаги яйлов усимликлари ҳамда кишлоқ хужалик экинларига зарар келтириши ва натижада улардан олинадиган маҳсулотларни йукотилишига олиб келади. Бунинг оқибатида 20 млн. дан ортиқ инсонни бевосита озиқ-овқат маҳсулотларисиз қолиш хавфи юзага келишига сабаб бўлади [344; 3-4-б.].

Чигирткаларнинг тўда ҳосил қилувчи (*phasis gregaria*) ва тўда ҳосил қилмайдиган (*ph. solitaria*) турлари орасидаги зарарчиларига қарши кураш мажмуини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш долзарб ҳисобланади. Жумладан, тоғолди, яйлов ва чул ҳудудларида учрайдиган зарарли чигирткаларнинг биоэкологияси, ривожланиш хусусиятлари буйича янги маълумотлар туплаш, улардан табиий энтомопатоген микроорганизмларини ажратиб олиш, юқори самарали, экологик хавфсиз микробиологик кураш тизимини ишлаб чиқиш, замонавий усул ва воситаларнинг самарадорликларини аниқлаш, кишлоқ хужалик экинлари атрофида учрайдиган чигирткаларнинг зарарли турларининг қупайиш сабабларини аниқлаш ва уларга қарши кураш технологиясини яратиш буйича тадқиқотларни утказиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикаимизда чигирткаларнинг айрим зарарли турлари нафакат яйлов усимликларига, балки барча кишлоқ хужалик экинларига хавф тугдиради. Шу мақсадда зарарли чигирткаларнинг табиий озикаси жойлашган тоғолди, яйлов ва чул ҳудудлардаги усимликларни ушбу зарарқунандалардан сақлаш олдимиздаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан зарарли чигирткаларнинг ёппасига қупайиб, яйлов усимликлари ва кишлоқ хужалик экинларига жиддий хавф тугдиришини олдини олиш мақсадида тоғолди, яйлов ва чул ҳудудларида учрайдиган

чигирткаларнинг асосий зарарли турларини аниклаш, уларнинг ривожланиш хусусиятларини уР^{ганиш} ҳамда уларга қарши самарали экологик безарар воситалар ҳамда усуллар мажмуини яратишни ва жорий этишни тақозо этади.

Тўда ҳосил қилмайдиган, аҳолимиз орасида “махаллий” чигирткалар деб ҳам юритиладиган зарарли чигиртка турларининг ривожланиш хусусиятлари, қупайиш сабаблари ва уларга қарши кураш мажмуини урганиш. Зарарли чигирткаларга қарши улардан ажратиб олинган энтомопатоген микроорганизм намуналарининг таъсирчанлиги баҳолаш. Тоғолди, яйлов ва чул ҳудудларида зарарли чигирткаларга қарши микробиологик биопрепаратлардан фойдаланиш, шунингдек, турли кимёвий гуруҳга мансуб инсектицидларнинг биологик самарасини аниклаш ҳамда у^{та} кам ҳажм(УМО)да тусик усулида ишлов олиб боришнинг биологик, ҳужалик ва иқтисодий афзалликлари бўйича тадқиқотларни талаб этади.

Шу мақсадда Ўзбекистоннинг тоғолди, яйлов ва чул ҳудудларида учрайдиган зарарли чигирткалар муаммосига ечим топиш бўйича қуйидаги тадқиқот вазифалари асосида олиб борилди;

Тадқиқотларни Республикаимизнинг тоғолди, яйлов ва чул ҳудудларда учрайдиган тўда ҳосил қиладиган ва бошқа асосий зарарли чигиртка турларини аниклаш;

кишлоқ ҳужалик экинлари атрофида учрайдиган тўда ҳосил қилмайдиган чигирткалар турлари таркиби, тарқалиш сабаблари, зарари ҳамда уларнинг ривожланиш хусусиятларини аниклаш;

зарарли чигирткалардан ажратиб олинган касаллик қузғатувчи энтомопатоген микроорганизмларнинг табиатдаги уР^{ни} ва истикболли микроорганизм намуналарининг чигирткаларга қарши таъсирчанлигини баҳолаш;

зарарли чигирткаларга қарши микробиологик инсектицидларнинг имкониятлари ва қўллаш истикболларини илмий асослаш;

зарарли чигирткаларга қарши давомли ва асоратли таъсир этувчи инсектицидларнинг биологик самарадорлигини аниклаш ҳамда куллаш регламентини ишлаб чиқиш;

тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларга қарши курашда самарали восита ва усуллар мажмуини яратиш;

чигирткаларга қарши тусик усулида ишловнинг афзалликларини ҳамда ушбу усулни куллаш мумкинлигини ва шарт-шароитларини аниклаш;

зарарли чигирткаларга қарши тусик усулининг оддий (ёппасига) усулдаги ишловга нисбатан биологик, ҳужалик ва иктисодий самаралилигини илмий асослаш каби долзарб муаммоларни ёритишга қаратилгандир.

Ушбу монографияда куп йиллик ўтказилган тадқиқотлар асосида хорижий мамлакатлар ва Республикамизда чигирткалар тур-таркибини урганиш, уларнинг зарарли турларини аниклаш ва уларга қарши курашнинг ахволи бўйича тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Шунингдек Ўзбекистоннинг кишлоқ ҳужалик экинлари атрофида учрайдиган ҳамда тоғ ва тоғолди яйловларида 34 та, чул ҳудудларида 36 та тур чигирткалар орасидан асосий зарарли турлари белгиланиб, уларнинг купайиш сабаблари, зарари ва ривожланиш хусусиятлари илмий асосланган. Зарарли чигирткалардан ажратиб олинган энтомопатоген микро-организмлар ва улардан юқори истикболли замбуруг намуна (*Beauveria bassiana* Ф-38, *Metarhizium* sp.- К-19¹)ларининг патогенлик даражалари аниқланган. Зарарли чигирткаларга қарши экологик хавфсиз микробиологик *Metarhizium*, *Beauveria brongniartii* замбуруглари асосидаги биопрепаратларнинг биологик самарадорликлари аниқланган. Ўтказилган тадқиқотлар асосида Республикамизнинг тоғолди, яйлов ва чул ҳудудларида учрайдиган зарарли чигирткаларга қарши куллаш учун 31 та турли кимёвий гуруҳга мансуб препаратлар ва 4 та микробиологик биопрепаратларнинг биологик самарадорликлари аниқланиб, “Ўзбекистан Республикаси кишлоқ ҳужалигида уеимлик

зараркунандалари, касалликларига қарши фойдаланиш учуй рухсат этилган кимёвий ва биологик химоя воситалари Руйхати”га киритилишга ва Республикамизда таркалган зарарли чигирткаларга қарши куллаш учуй тавсия этилган. Кишлоқ хужалик экинлари атрофида таркалган тўда ҳосил қилмайдиган зарарли чигирткаларга қарши илмий асосланган самарали кураш технологияси ишлаб чиқилган. Шунингдек зарарли чигирткаларга қарши тусик усулида ишлов у^{тказишнинг} шарт-шароитлари, афзалликлари ва ушбу усулнинг биологик ҳамда хужалик самарадорликлари аниқланган.

**I- боб. ТОҒОЛДИ, ЯЙЛОВ ВА ЧУЛ Х.У ДУД Л АР ДА
УЧРАЙДИГАН ЧИГИРТКАЛАРНИНГ ТАРЦАЛИШИ, ЗАРАРИ ВА
УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ АҲОЛИ ВА ИСТИКБОЛЛАРИ
(Адабиётлар таҳлили).**

**1.1. Асосий зарарли чигирткаларнинг турлари, таркалиши,
зарари**

Тугриканотлилар (*Orthoptera*) туркумига кирувчи чигирткалар (*Acrididae*) оиласини урганиш ва изланишлар Марказий Осиёда жумладан Ўзбекистонда илк бор А.П.Федченко бошчилигида XIX асрнинг 1870-чи йилларидан бошланган. У бошчилик килган илмий экспедиция Зарафшон, Фаргона водийси, Туркистон тизмалари йуналишлари буйлаб тадқиқотлар олиб борган [195; 1-52-б.].

Ушбу тадқиқотлардан куп утмасдан К.Н.Россигов [169; 37-6.], Орол денгизи киргокларига яқин ҳудудларни куздан кечириб, чигирткаларнинг катта учоклари мавжудлигига гувоҳ бўлди [221; 22-6.].

1911 йилда эса Тошкентда Урта Осиёда ягона энтомологик станциясини очилиши Ўзбекистонда чигирткалар буйича илмий изланишлар олиб борилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди [64; 23-6.], [68; 35-6.], [221; 22-6.], [247; 352-6.], [248; 540-6.].

Урта Осиёда жумладан Ўзбекистонда ҳам чигирткаларнинг тур таркиби ва уларнинг таркалиш ареали буйича изланишлар Б.П.Уваров [231; 306 б.] ва асосий зарар келтирувчи чигирткаларнинг биологияси ва экологияси, уларга қарши курашнинг ишлаб чиқиш буйича илмий изланишлар бир канча олимлар томонидан олиб борилган [166; 60-6.], [98; 5-72-6.], [68; 35-6.], [75; 336-6.], [144; 23-6.], [221; 22-6.], [191; 16-6.], [192; 115-126-6.], [160; 12-28-6.], [229; 217-234-6.], [99; 46-6.], [97; 71-75-6.], [2; 447-6.], [263; 17-29-6.], [239; 23-6.], [243; 18-6.].

Зарарли чигирткаларнинг ёппасига қупайиши ва таркалиши, уларнинг кишлоқ ҳужалик экинларига келтирган зарари тугрисида маълумотлар энтомолог олимлар томонидан урганилган [169; 37-6.], [160; 12-28-6.], [152; 330-6.], [247; 352-6.], [248; 540-6.].

Шунингдек марокаш чигирткасининг биологияси, экологияси, шаклий узгаришлари буйича илмий тадқиқотлар нуфузли олимлар томонидан ҳам илмий изланишлар утказишган [192; 115-126-6.], [160; 12-28-6.], [43; 16-20-6.], [2; 447-6.], [98; 5-72-6.], [212; 30-83-6.], [213; 20-6.], [214; 3-127-6.], [215; 68-75-6.], [216; 18-27-6.], [217; 219-6.], [218; 62-71-6.], [219; 30-31-6.], [174; 56-65-6.], [328; 613-6.], [249; 10-6.]_y [250; 11-14-6.], [63; 44-47-6.], [64; 23-6.], [68; 35-6.], [75; 336-6.], [239; 23-6.], [240; 12-6.], [244; 3-29-6.], [14; 9-346-6.], [210; 76-6.], [221; 22-6.].

Тугриканотлилар туркумига оид ҳашаротларни куйидаги тоғ тизмаларида: Султан Увайс тоғ тизмаларида [44; 84-91-6.], [45; 51-58-6.], [46; 60-62-6.], Кулжуктау тизмаларида [163; 23-28-6.], [164; 3-22-6.], гарбий Копетдаг [215; 68-75-6.], уР^{та} Копетдаг тизмаларида [216; 18-27-6.], Талас Олатау [116; 776-784-6.], Қирғизистон тизмаларида [165; 929-932-6.], Чотқол тизмаларида [164; 3-22-6.], Гарбий Тяньшань ва Чирчик тизмаларда [45; 51-58-6.], Қурамотоғ тизмаларида [46; 60-62-6.], Туркистон, Зарафшон тизмаларида [163; 23-28-6.], Хисор тизмаларида [146; 198-205-6.], [189; 7-10-6.], [190; 120-6.], Гарбий Помир [255; 38-41-6.], [65; 40-42-6.], ва Фориш ва шимолий Зомин тизмаларида [69; 4-25-6.] экологик тарқалишини урганиб чиқишган.

Тугриканотлилар туркумига қирувчи чигиртка турларининг сони, қурилиши инсоннинг ҳужалик ишларини юритиши билан ҳамбарчас боғлиқлиги урганилган [43; 16-20-6.], [259; 180-181-6.]. Чигиртка турларининг сони ерларнинг узлаштириши оқибатида кескин қамаяди [26; 16-17-6.], [66; 35-36-6.], [219; 30-31-6.].

Г.Я.Бей-Биенко [43; 16-20-6.] марокаш чигирткасининг собиқ СССР буйича тарқалишини таҳлил қилиш натижасида географик жойлашуви узига ҳосилгини ҳисобга олган ҳолда марокаш чигирткасини ўрта тарқалиш ҳудудга: 1) Ўртаер денгизи ҳудуди, 2) Адирлик ҳудуди, 3) Ўрта Осиё ҳудудига ажратиб, ўшбу гуруҳда Ўзбекистонда марокаш чигирткасининг тарқалиши ва қупайиши буйича Ўрта Осиё ҳудудига қиритади.

М.Ж.Медетов [144; 23-6.], Жанубий Оролбуйи худуди тугриканотлилар фаунасини таҳлил қилиб, улардан чигирткаларнинг 1та тури Урта Осиё фаунаси учун, 1та кенжа тури Ўзбекистон фаунаси учун, 4та авлод ва 17та тур урганилаётган ҳудуд фаунаси учун илк бор қайд этди.

Қарши чулида таркалган тугриканотлилар турлари уларнинг таърифи ҳудудлари бўйича аниқ маълумотларини урганилган [24; 3-74-6.], [262; 42-44-6.], [35; 129-6.].

Сирдарё бўйларида жойлашган қамишзорларда ва Фарғона водийсида учрайдиган чигиртка турлари экологияси ва биологияси бўйича А.А.Бекузин [45; 51-58-6.] тадқиқот олиб бориб, Урта Осиё ҳудудида туқай ва дарё бўйларида яшаган мослашган тугриканотлиларнинг 80 дан ортиқ тури учраганлигини қайд этади.

Ўзбекистонда кенг таркалган асосий зарар келтирувчи чигирткалардан: марокаш, италия, осиё чигирткаларининг биологияси, экологияси, қураш қоралари каби муаммоларини урганишда [64; 23-6.], [68; 35-6.], [243; 18-6.], [239; 23-6.], [221; 22-6.], [247; 352-6.], [248; 540-6.] ва бошқа олимларимизнинг ҳиссаси катта.

Хорижий давлатларда ҳам марокаш чигирткасининг экологиясини урганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Лондонда зарарли чигирткаларни урганиш маркази фаолият юритиб В.Р.Уваров [328; 613-6.], жанубий Туркияда таркалган марокаш чигирткасининг экологиясига дойир илмий мақолаида ушбу тур чигирткаларнинг географик тарқалишида об-ҳаво ва чигиртканинг асосий озуқаси усимликларга боғлиқлиги бўйича маълумотлар берилган.

Марокаш чигирткасининг номи Марокаш давлатининг номи билан аталган Атлас тоғларида илк бор тур сифатида аниқланган, ваҳоланки марокаш чигирткасининг энг қўп таркалган майдонлари Марказий Осиёда хусусан Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон ва қисман Жанубий Қозоғистонда кенг таркалган [210; 76-6.], [72; 149-152-6.], [75; 336-6.].

Марокаш чигирткасининг хорижий мамлакатларда жумладан Марокаш, Жазоирнинг шимолий кисми, Тунис, Уртаер денгизи оролларида, Испания, Португалия, Франциянинг шимолий кисми, Италия, Болкон яримороллари, Туркия, Иордания, Исроил, Сурия, Ирок, Эрон ва Афгонстонда кенг таркалганлиги илмий маълумотларда келтирилган [328; 613-6.].

А. Arias et al., [268; 425-453-6.] марокаш чигирткаси Европа давлатларида, жумладан собик Югославияда 1933, Италияда 1937, Болгарияда 1940, Францияда 1947, Венгрияда ва Испанияда 1949 йилларда ёппасига купайганлиги ва минглаб гектар кишлок хужалик экинларига жиддий зарар келтирилганлиги, шунингдек биринчи ва иккинчи жахон уруш даврида ҳам марокаш чигирткасининг ёппасига таркалганлиги илмий маълумотларда қайд этиб борилган [329; 359-363-6.], [277; 209-242-6.], [275; 181-190-6.].

Афғонистон давлатида 1958-йилда марокаш чигирткаси зарар келтириши натижасида 100 минг тонна галла ва сабзавот экинларига М.Г.Шамонин [257; 23-6.], 1923-йилда Озарбайжонда 80% гуза экинлари, 1932-йилда Тожикистонда 10 929 минг/га майдонда кишлок хужалик экинларига зарар келтирган [221; 22-6.]. Урта Осиё, Афғонистон, Туркия, Кавказ, Эрон ва унга чегара Сочан, Хазараджат, Дашти-Навер худудларида денгиз сатхидан 3500 м баландликда учрайдиган чигирткалар буйича маълумотлар тупланган [43; 16-20-6.], [257; 23-6.], [279; 33-88-6.], [202; 48-60-6.], [168; 21-6.], [317; 37-48-6.].

Жанубий Т^озоғистон областида тупрок харорати 12-15°С булганда марокаш чигирткаси апрелнинг II-III нчи ун кунлигида ёппасига тухумдан чиқиши кузатилган. 2002-2014-йиллар давомида эса Жанубий Крзоғистон областида марокаш чигирткасининг таркалиш ареали ва уларга қарши кимёвий ишлов майдони ошиб борганлиги буйича маълумотлар келтирилган [149; 359-366-6.], [154; 36-6.].

Dociostaurus Fieb турларининг уч кенжа тури *D. maroccanus* Thunb., *D. brevicollis* Ev., *D. tartarus* Stshelk., Кавказ улкаси ва унга

чегарадош давлатлар худудларда учраши кайд этилган [59; 628-6.], [203; 16-17-6.].

1901-йилда Урта Осиё худудида марокаш чигирткаси 41 минг гектар майдонда кишлок хужалик экинларига зарар етказган ва уша даврдаги киймат буйича 1 млн сум зарар курилган [199; 42-43- 6, 1 –

Т.Б.Токгаев [215; 68-75-6.], Туркменистонда марокаш чигирткасининг эрта бахорда об-хавонинг исик келиши натижасида тухум кузачалардан чигиртка личинкаларнинг барвакт чикканлиги яъни март ойининг 2-чи ун кунлигида чикиши, Гяз- Гядик ва гарбий Бадхыз худудларида ҳам таркалганлиги, марокаш чигирткалари 2 та, кisman 3 тадан тухум кузача куйганлигини илмий маълумотларида кайд этган [218; 62-71-6.].

МДХ, давлатларида марокаш чигирткаси жанубий Крим, шимолий Кавказ, шаркий Кавказорти улкаси, Урта Осиё худудида кенг таркалган [43; 16-20-6.], [26; 16-17-6.], [210; 76-6.].

Ўзбекистонда марокаш чигирткасининг табиий равишда сонини кескин камайиб кетганлигини А.А.Сафаров [175; 15-6.], маълумотларида 1958-йилда чигирткаларнинг личинкалик даврида 87,2%, 1959-йилда 76,1%, 1960-йилда 88,7%, 1961-йилда 64,6%га камайганлиги кузатилган.

Марокаш чигирткасининг доимий равишда купайиши ва озикланиши учун бир йиллик эфемерлар кунпфбошилилар, илоклар каби усимликлар зарур булади [43; 16-20-6.], [98; 5-72-6.], [210; 76- 6.]. Урта Осиёда жумладан Ўзбекистонда учрайдиган марокаш чигирткасининг тўда холда яшовчи популяциясида усимликлар ассосациясида *Carex pachystylis*, *Poa bulbosa* var. *Vivipara* усимликларини 30-40% гача *Leptaleum filifolium*, *Aphanopleura capillifolia*, *Papaver pavoninum*, *Ranunculus severtzovi*, *Eremopyrum orientale*, *Koelpinia linearis*, *Bromus danthoniae*, *Cynodon dactylon*, *Hordeum spontaneum* ва боища тур угашшлар учраши, тухум кузачасини куядиган жойда куп йиллик *Psoralea drupacea*, *Alhagi sparsiflora*, *Cousinia resinosa* каби усимликлар билан копланган ер 20- 25% дан ошмаслиги зарур [174; 56-65-6.].

Ўзбекистонда доимий равишда марокаш чигирткасининг учоги 5 та худудда купайиши жумладан Тошкент, Сирдарё, Зарафшон, Цашкадарё ва Сурхондарё вилоятлари булиб, асосан денгиз сатхидан 1800 метр баландликкача майдонда купайиши ва таркалиши буйича илмий изланишлар олиб борилган [43; 16-20-6.], [98; 5-72-6.], [152; 330-6.], [160; 12-28-6.], [213; 20-6.], [21; 270-6.], [16; 93-705-6.], [17; 270-6.], [210; 76-6.], [75; 336-6.].

Ўзбекистонда кишлок хужалик экинларига асосий зарар келтирувчи чигиртка турлари *D. maroccanus* Thunb., *Calliptamus turanicus* Tarb., *Locusta migratoria* L., *D. kraussi* Ingen., булса, Сурхондарё вилоятида эса *D. maroccanus* Thunb., *C. italicus* L., *Ramburiella turcomana* F.-W., учраган [64; 23-6.], [239; 23-6.], [221; 22-6.].

Коракалпогистон шароитида зарарли чигирткаларнинг таркалиши, биологияси ва экологиясини урганиш ишлари П.А.Вельтишев [58; 78-81-6.], В.Я. Новицкийлар [155; 36-6.], томонидан олиб борилган булса, Амударё дельтасида осие чигирткасининг учокларини урганиш борасида махсус тадқиқотлар Г.Ш.Шамуратов, Л.М.Копаневалар [258; 125-6.], томонидан амалга оширилган. Қозогистонда италия чигирткаларини экологик жойлашуви, таркалиши буйича олимлар томонидан ҳам изланишлар ўтказилган [54; 24-6.], [55; 40-41-6.], [103; 44-6.], [106; 18-20-6.], [263; 17-29-6.].

Зарарли чигирткалар муаммоси бир давлат ёки худудга тегишли эмас бу зараркунандаларга қарши доимий равишда қушни давлат ёки худудлар билан ҳамкорликда қураш олиб бориш лозим булади. Хусусан ФАОнинг “Марказий Осиё ва Кавказ давлатларининг зарарли чигирткаларга қарши қурашиш буйича беш йиллик дастури” доирасида Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаларининг чегаравий худудларида зарарли чигирткаларнинг таркалиши ва уларнинг бир давлатдан қушни давлатга ўтиш хавфини олдини олиш буйича олиб борилган кузатувларда Қирғизистон Республикасининг, Боткен области, Қдцамжой районида Ўзбекистон Республикасининг Фарғона

вилояти, Фаргона туманининг, юкори Водил худуди билан чегаравий майдонда карийиб 30 миинг/га майдонда марокаш чигирткасининг 2-3 ёш личинкалари ёппасига таркалганлиги аникланган [227; 149-152-6.], [228; 60-6.], [143; 3-28-6.], [142; 12-13- 6.], [226; 163-166-6.].

Инсоният ва зарарли чигирткалар уртасидаги кураш бундан 4 минг йилдан аввал бошланган булса, кейинги юз йилликка келибги На “чигирткалар муаммосини” назорат килиш ва қарши кураш чора-тадбирларини олиб бориш имконияти пайдо булди [153; 21-23-6.].

МДХ, давлатларида *Calliptamus* турларининг 5-7 тури улар уртасидаги тафовутлар буйича М.Г.Сергеев [178; 21-22-6.], маълумотида кайд этилиб, италия чигирткаси жанубий К^озоғистон, Кирғизистон. Ўзбекистон, Тожикистон Республикалари худудида учраши ва, 5-чи ёшидаи бошлаб озука асосациясини узгартириши мумкинлиги ва уз яшаш жойларида кумли, бор элементига бой жойларда ҳам ёппасига купайганлиги урганилган [53; 37-40-6.], [54; 24- 6.], [128; 3-56-6.], [194; 96-104-6.], [182; 393-400-6.].

Россиянинг Ставрополь улкасида хар йили италия чигирткаси доминант тур сифатида кайд этилган булса, 2012-йилда эса марокаш чигирткаси ёппасига таркалиб, асосий доминант тур сифатида кайд этилган [114; 14-17-6.], [196; 14-20-6.], [150; 24-6.], [204; 14-15-6.], [19; 32-6.], [236; 10-11-6.], [196; 14-20-6.], [198; 14-17-6.].

Россиянинг Волгоград улкаси (1939-1986 йй.) ҳамда К^озоғистонда олиб борилган куп йиллик (1957-2012 йй.) илмий кузатишларда маълум булишича зарарли чигирткаларнинг ривожланиши ва таркалиши “умумий конуниятга”, яъни улар куёш нурига боглик холда ривожланиши ва купайиши буйича илмий тадқиқотлар олиб борилган [47; 5-16-6.], [48; 172-6.], [118; 64-6.], [131; 44-47-6.], [148; 14-26-6.].

Франция ва Венгрия давлатларида марокаш чигирткаси 1949 ва 1993 йилларда купайиб экинларга жиддий зиён келтирган В.Nagy [315; 67-76-6.] булса, Болгария давлатда сунги 50 йил ичида

марокаш чигирткаси 2001 -йилда ёппасига купайиб кишлок хужалик экинларига зарар етказганлиги кузатилган [286; 75-87-6.], [14; 9- 346-6.].

М.Г.Сергеевнинг [187; 10-13-6.], узок йиллик илмий кузатувларида италия чигирткаси *C. italicus* L., жанубий-гарбий Европадан то жанубий-шаркий Сибир ва Синьзянгача булган яримчул, чул, уртаер денгиз ландшафтларигача булган худудларда ҳам кенг таркалганлиги буйича маълумотлар келтирилган [177; 150- 6.], [57; 129-145-6.], [182; 38-39-6.], [185; 23-24-6.], [176; 219-225- 6.], [182; 393-400-6.], [181; 104-6.], [187; 10-13-6.], [328; 613-6.], [194; 96-104-6.],.

В.К.Ажбенов ва б., [30; 27-35-6.] маълумотларида италия чигирткасининг таркалиши ва эгаллаган майдони буйича бутун Евросиё худудларининг умумий майдонининг 70-75% К^озоғистон Республикасига тугри келишини кайд этади [266; 5-14-6.], [273; 277- 281-6.], [121; 42-52-6.], [143; 3-28-6.].

Собик ВИИЗРнинг бир гурух олимлари К^иргизистонда 1982- 1983 йилларда илмий тадқиқот олиб борганда жанубий-гарбий Тяньшань кисмида 2 та янги тур чигирткаларни аниқлашади ва улар буйича маълумот туплашди [149; 359-366-6.].

Россияда 13 йиллик (1998-2010 йй.) тахлил натижаларига кура италия чигирткасининг “максимал ва минимал таркалиш зичлиги” буйича маълумотлар тупланган [186; 24-25-6.]. Россияда кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган худудларида италия чигирткасининг 1м ер да 3,2 донадан 2000 донагача учраши кайд этилган [90; 216-6.], [167; 56-6.].

Россиянинг Урал улкаси ва К^озоғистон Республикасининг марказий кисмида италия чигирткасининг 1941-1946, 1954-1960, 1968-1969 ва 1992 йилларда ёппасига купайиши аниқланган [57; 129-145-6.], [54; 24-6.].

МДХ мамлакатларидан Россия ва К^рзоғистонда 2000 йилда XX асрда кузатилмаган ҳолат, яъни зарарли чигирткаларага 10 млн гектар майдонда қарши кураш ишлари олиб борилган, шундан 8 млн гектар К^озоғистон Республикасида, 2 млн гектар Россия

давлатда олиб борилган [12; 30-6.], [184; 24-27-6.]. 1999-2000 йилларда Козогистон Республикасида италия, осие, марокаш чигирткалари сунги 50 йил ичида энг куп зарар келтирганлиги кузатилган, 220 минг гектар бошокли дон экинлари йукотилиши окибатида 15 млн АКШ доллари микдорида талофат курилган [31;

18- 20-6.], [220; 14-6.]. М.С.Струбинский [208; 553-561-6.] кузатувлари асосида Шимолий Козогистон чул ландшафтларида учрайдиган чигирткаларни 8 та гурухга, тукай ва дарё буйи узанларида учрайдиган чигирткаларни 6 та И.В.Стебаев ва б., [201; 241-250-6.], Австралияда 31 та гурухга ажратилган [285; 71-99-6.].

Х,исор тизмаларида чигирткаларнинг экологик ва морфологик тахлил килинганда 4500 метр баландликкача булган ерда *Calliptamus*, ва *Chorthippus* турлари учраб уларнинг турли баландликларда яшаши, озикланиши ва харакатланиши турлича характерга эга булган [190; 120-6.].

Туркия давлатининг жанубий ва шимолий-гарбий кисмида эса италия чигирткаларининг 1м майдонда уртача 30-150 донани ташкил этганлиги А.Р.Акinci [267; 231-234-6.], илмий маълумотларида келтирилган.

Козогистонда сунги 100 йил ичида 9 маротаба чигирткаларнинг купайганлиги ва бу холат хар 7-11 йилда такрорланиши, 1997-1998 йилларда кимёвий ишловсиз колинган майдон, 1999-2000 йилларда 2,2 млн гектар майдонда зарарли чигирткаларнинг Балхаш-Алакул, Сирдарё, Каспийга якин худудларда 1-1,5 млн. гектар майдонда эса осие чигирткаси билан зарарланганлиги 1976-1986 йилларда 25 млн. гектар майдонда бошокли дон экинлари экилган булса, 1997-1999 йилларда 11-12 млн. гектар бошокли дон экинлари экилиб қарийиб икки баробар кам экилган ва бу эса чигирткалар озикланиши ва купайиши учун макбул шароит тугилган [172; 18-20-6.], [29; 8-11-6.].

Грузия давлатида 1994-1998 йилларда италия чигирткасининг ёппасига таркалганлиги ва уларга қарши курашда иктисодий кийинчиликлар туфайли минглаб гектар ерда яйлов, галла, полиз, сабзавот, кунгабокар экинлари ва узумзорларга, 1949 йилда эса осие

ва миср чигирткалари ёппасига купайиб мандарин экинига жиддий зарар етказган [25; 28-30-6.], [26; 16-17-6.].

В.Е.Камбулин [108; 1 1-13-6.] маълумотларида Осиё чигирткаси-*I. migratoria* L., дунёда энг куп таркалган турлардан хисобланиб, бу турдаги чигирткалар ҳаёти давомида 300-500 граммгача яшил усимликлар билан озикланади ва у Европа, Африка, Мадагаскар, Арабистон яриморли, Индостан, Кавказ, Марказий Осиё ва жанубий-шаркий Осиё, Австралия, Папуа- Гвения, Янги Зелландия давлатларида кенг таркалган зарарли чигирткалардан хисобланади [107; 37-41-6.], [280; 231-6.], [323; 131- 138-6.].

Австралия давлатида асосий зарар келтирувчи чигирткалар 3 та тури: *Austracris guttulosa*, *Locusta migratoria*, *Chortoicetes terminifera* учраши 50 йил ичида 5 маротаба ёппасига купайганлиги ва 1974 йилда Австралия чигирткаларга қарши кураш комиссияси томонидан 700 минг доллар ажратилиб, бу турдаги чигирткаларнинг кучиб утишлари учун хаво ҳарорати 25°C ва шамол тезлиги зарур булиши урганилган [325; 479-490-6.], [326; 53- 64-6.].

Еарбий Африка давлатларида 2003-2005-йиллар давомида 8 млн/га фермер хужалик экинларидан олинган хосил зарарли чигирткалар таъсирида йукотилган ва бу йукотилган хосил 1 млрд. АКД1 доллари мивдорини ташкил этган [124; 5-10-6.].

Дунёда зарарли чигирткалар томонидан келтирилган зарардан талофат курган давлатларга қарийиб 500 млн. долларгача маблаг донор мамлакатлар томонидан бегараз ёрдам курсатилган [274; 187- 195-6.], [276; 134-147-6.].

Таиландда урмонзор кесилгандан сунг чигирткалар 15 йил мобайнида маккажухорига катта зиён келтирган ва янги турдаги чигирткалар учраганлиги аникланган [303; 1856-1866-6.]. Хитой давлатида 1950 йилда осие чигирткаси ёппасига купайиб жиддий хавф тугдирганлиги, Лунхушань улкасида 1996 йилда иккита янги тур чигирткалари аникланган булиб, уларнинг биологияси ва экологиясига дойр маълумотлар тупланган [283; 381-6.] [305; 76-80-

6.]. Хайнань ва Сан Мен Си провинцияларида 1987-1989-йилларда ёппасига *Locusta migratoria manilensis* М., тур чигирткалари тарқалганлиги, уларнинг ривожланиши ҳамма босқичлари тули к кузатиб борилган [289; 191-6.], [307; 382-6.].

Jin Xiangchu et al., [295; 65-6.]ларнинг илмий маълумотларида ҳозирги кунда бутун Дунё бўйича чигирткалар (*Acrididae*)mmv 1822 та оиласи, 7590 та турлари фанга маълумлиги қайд этилган.

М.Лесоқ [304; 531-595-6.], N.D.Jago [294; 69-6.]лар қайд этишича Шаркий ва шимолий-шаркий Африка давлатининг Эфиопия, Эритрея, Сомали, Уганда, Кения, Танзания улкаларида . 745 тур чигирткалар қайд этилиб, шундан 95 тури кейинги 12 йил ичида аниқланган.1937-1986-йилларда Африканинг Мали, Мавритания, Чад, Судан, Эфиопия давлатларида зарарли чигирткалар купайиб қишлоқ хужалик ва бошқа экинларга ёппасига зарар етказган чигирткаларга қарши курашишда эса ушбу давлатларнинг молиявий имкониятлари етмаган [279; 33-88-6.], [330; 303-304-6.], [297; 15-17-6.].

Зарарли чигирткалар АКД1нинг 17 та гарбий штатларида ҳар йили 20-25% яйлов усимлютарига зарар етказиб, бу келтирилган зарар қарийиб 1 млрд. долларни ташкил этади. Шунингдек чигирткаларнинг 500 га яқин тури учраб, шулардан 20 га яқин тури экинларга зарар келтирадиган турлар ҳисобланади. Бу давлатда тўда ҳосил қилувчи чигирткалар ҳозирги кунга келиб учрамайди, охириги маротаба 1934 йилда тўда ҳосил қилувчи чигирткалардан *Melanoplus spretus* турига қарши кураш ишлари олиб борилган бўлса, ҳозирда бу турдаги чигирткалар умуман учрамайди [138; 16-17-6.].

АКДГ давлатида ҳам зарарли чигирткаларнинг кенг тарқалганлиги ҳар йили гарбий қисмида 20% яйлов экинлари ушбу Хашарот таъсирида йукотилиши хатто, совук Аляска улкасида ва намлик юқори бўлган Флорида штати ва гарбий штатларнинг 17 тасида, 30 турга яқин чигирткалар доимий Швинна~24ь22% гача асосий чорва оз\ каларшш камаи тприши. 1985-1986 йилларда биргина Вайоминг штатида 2,7 млн геюгар майдонда қарши кураш

олиб борилиб 23 млн АКД1 доллари микдорида маблаг сарфланган [132; 10-11-6.], [122; 12-14-6.], [184; 24-27-6.].

Ўзбекистонда галла майдонлари кенгайиб тўда ва якка холда яшовчи зарарли чигирткаларнинг айрим азалий учоклари таркалган майдонларига якинлашишга олиб келди. Кўишлок хужалик экинларида олиб бориладиган турли агротехник ва мелиоратив тадбирларни бузилиши буш партов ерларнинг назоратсиз қолиниши натижасида якка холда яшовчи чигирткаларнинг сони ошиб жиддий зарар келтириш мавқеи ҳам ортиб бормовда. Жумладан, Сурхондарё, Қдшқадарё, Жиззах, Сирдарё, Наманган, Навоий, Самарканд, Тошкент вилоятлари ҳудудларида қузатилган [67; 22-25-6.], [302; 109-113-6.], [245; 124-6.], [221; 22-6.].

Н.Х.Туфлиев [221; 22-6.], маълумотида зарарли чигирткалар таркалган майдон айнан тоғолди, яйлов ва чул ҳудудларига тугри келмоеда. Афсуски, мавжуд яйловларнинг ялпи ҳосилдорлиги кейинги 5 йил мобайнида уртача 2,4 ц/га дан, 1,84 ц/га ёки 21 % га пасайган. Вахоланки, 1 бош қуйни 1 йил мобайнида озука билан таъминлаш учун камида 3-4 гектар яйлов ёки 800-850 кг курук озика зарур бўлади [49; 184-187-6.].

Озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар қандай давлатнинг энг асосий ва муҳим иқтисодий ривожланишини белгилайди. Бутун дунёда бугунги кунда ҳам чигирткалар ҳамма усимликларга хавф тугдирувчи зарарқунанда сифатида аҳамиятини йукотган эмас [42; 53-59-6.].

1.2. Тўда ҳосил қилувчи ва тўда ҳосил қилмайдиган чигирткалар, уларга қарши қурашнинг ахволи

Чигирткаларнинг “шаклий узғариш” (фазовые изменчивость), иборасини илк маротаба В.И.Плотниковнинг Урта Осиёда ҳамда Дж.Форанинг Жанубий Африкада ва узининг шимолий Кавказда олиб борган илмий изланишлари натижасига асосида В.Р.Уваров [328; 613-6.], томонидан фанга киритилган [14; 9-346-6.].

Чигирткалар яшаш тарзига қараб;

1 .Тўда ҳосил қилиб (*phasis gregaria*) яшовчи чигирткалар;

2. Тўда хосил килмайдиган (*ph. solitaria*) чигирткаларга ажратади.

Тўда хосил қилиб яшовчи чигирткалардан Республикамизда италия, осие, марокаш чигирткалари учрайди [14; 9-346-6.], [221; 22- 6.], [75; 336-6.].

Марокаш чигирткасининг шаклий у^{згар}ишлар^и буйича хорижий олимлар томонидан ҳам изланишлар олиб борилган [271; 466-6.], [299; 19-20-6.].

Ўзбекистонда тўда хосил қилувчи зарарли чигирткаларнинг уч тури асосий зарар келтирувчи турлардан ҳисобланиб: марокаш, осие ва италия (воха) чигирткалари сони жихатидан туп булиб, улар тўда хосил қилиб яшаши учун ташки мухитга об-хаво шароити, усимликларнинг кам ёки куп булиши, қургокчилик йиллари усимликларнинг сийрак усиши жараёнида шаклий ўзгаради. Бундай ҳолатлар Ўзбекистон шароитида осие, марокаш, италия чигирткаларида 8-12 йилда қузатилади [210; 76-6.], [221; 22-6.].

Марокаш чигирткасининг шаклий ўзгаришлари, яъни тўда булиб яшаш шаклидан яққа ҳолда яшаш шаклига ўтиш ёки аксинча ўзгаришлар буйича А.В.Лачининский ва б., [14; 9-346-6.], урганютганда яққа ҳолда яшовчи эркак марокаш чигирткаси тана узунлиги 16,5-22,5 мм бўлса, тўда булиб яшовчи эркак марокаш чигирткасининг тана узунлиги 22,0-28,5 мм ни, яққа ҳолда яшовчи ургочи марокаш чигирткасининг тана узунлиги 20,5-28,5 мм тўда булиб яшовчи ургочи марокаш чигирткасининг тана узунлиги 25,0-38,0 мм ни ташкил этганлиги тўда ҳолдан, яққа ҳолда яшашга ўтган марокаш чигирткасининг танаси кичиклашгани урганилган [213; 20- 6.].

Италия чигирткасининг морфологияси, экологик-географик хусусиятларини В.Р.Уваров [328; 613-6.] тўда ва яққа ҳолда яшовчи италия чигирткалари у^Ртаси^Даги тафовутларини шаклий ўзгаришларини аниқлаш буйича илмий тадқиқотлар ўтаазирилган [232; 233-240-6.], [56; 35-36-6.], [210; 76-6.], [75; 336-6.].

Цоракалпоғистон шароитида аниқланган 41 тур чигирткалардан, тўда ҳолда яшовчи *L. migrotoria* L., *C. italicus* L.,

якка холда яшовчи *C. barbarus* Costa, *Thrinchus campanulatus* F.d.W., *Tetrix tartara* I.Bol., *Heteractis adspersus* Redt., ва бошка турлар асосий зарар келтирувчи чигирткалар хисобланади [243; 18-6.], [68; 35-6.], [248; 540-6.].

Г.Н.Дормидонтова [91; 55-62-6.] илмий тажрибаларида маълум булишича Павлодор ва Кустанай областларида якка холда яшовчи чигирткалар бахорги бошокли дон экинларига зарар келтириб, 4,8% гача галла хосилини йукотар экан.

Doclostaurus Fieb. турларининг уч кенжа тури *D. maroccanus* Thunb., *D. brevicollis* Ev., *D. tartarus* Stshelk., Кавказ улкаси ва унга чегарадош давлатлар худудларда учраши кайд этилган [2; 447-6.], [59; 628-6.], [202; 48-60-6.].

Эрон давлатининг Мехран районида марокаш чигирткасининг тухум кузачалари 8-9 ойдан сунг кузачадан чиккан личинкаларининг 58-85 кунда ривожланиши тугаганлиги Azmaesh Fard P. [271; 466-6.], Бехбехан улкасида эса харарот 18°C, намлик 50-60% булганда марокаш чигирткасининг тухум кузачалари 8-10 ой давомида кишки тиним (диапауза) холатида булганлиги, 1992 йилда об-хаво исик, кургокчилик келганда марокаш чигирткаларининг якка холда яшаш шаклига утганлиги кузатишган [299; 19-20-6.].

Ф.А.Еоппоров ва 6., [2010; 76-6.] Ўзбекистон шароитида кишлок хужалик экинлари (галла, гуза)да 1 м² да 8-10 та тўда хосил Килувчи чигирткалар булса, хосилдорликни 3-5% га камайитириши аникланган.

Тўда хосил килмайдиган отбосар, турон, чул пруслари хам зарар келтирувчи чигирткалардан хисобланиб 1984 йилда Кашкадарё вилояти, Камаши туманида отбосар чигирткаси ёппасига купайиб 1000 гектардан ортик галла майдонида зарар келтирган [2010; 76-6.] булса, 1929 йили сахро чигирткаси *Schistocerca gregaria* Forsk., Эрон ва Афғонистон давлатларидан мамлакатимизга учиб келиб экинларга катта зарар етказган [247; 352-6.], [248; 540- 6.].

Собик Совет даврида 500 га якин чигиртка турлари учраб, шундан 100 га якин тури зарарли тур сифатида кайд этилган булса, хозирги кунда Россия давлатида 60-75 га якин чигиртка турларидан,

10- 12 тури кишлок хужалик экинларига зарар етказиши мумкин булган турлар хисобланади [250; 10-6.], [89; 2003-6.].

В. Е.Камбулин ва б., [105; 17-20-6.] маълумотида К,озогистон Республикасида хозирги даврда 270 га якин чигиртка турлари учрасада, шундан 15-20 тури доимий равишда кишлок хужалик экинларига хавф тугдирувчи турларидан: тўда булиб яшовчи *L. migrotoria* L., *D. maroccanus* Thunb., *C. italicus* L., тўда хосил килмайдиган *D. brevicollis* Ev., *Pararcyptera microptera* F.-W., *Chorthippus albomarginatus* Deg., *Oedaleus decorus* Germ., *Aeropus sibiricus* L., *D. kraussi* Ingen., *Stenobothrus fisheri* Ev., *Oediopoda miniata* Pall., лар эканлиги урганилган [93; 12-17-6.], [209; 23-25-6.], [260; 26-30-6.].

К.С.Байбусинов ва б., [41; 27-6.] илмий маълумотида Шимолий К,озогистон худудларида тўда хосил килмайдиган чигирткалар кенг таркалиб, бошокли, бошокли дон, чорва озика экинлари яйлов усимликларига зарар келтираётганлиги кузатилган. Бу зарар келтираётган чигиртка турларидан энг асосийси италия чигирткаси, шунингдек *Doclostaurus kraussi* Ingen., *D. brevicollis* Ev., *A. sibiricus* L., *Arcyptera microptera* F.d.W., *Ch. albomarginatus* Deg., *Stauroderus scalaris* F.W., *Stenobothrus fisheri* Ev., чигиртка турлари эканлиги кайд этилган [42; 53-59-6.], [211; 80-82-6.], [32; 6- 8-6.].

С. П.Старостин, О.Н.Наумович [200; 526-527-6.] хозирги даврда Россияда тўда хосил килиб яшовчи италия чигирткаси доимий равишда кишлок хужалик экинларига асосий зарар келтирувчи тур булиб, Россиянинг жанубий Урал, гарбий Сибир, Ставрополь, Ростов ва Догистон улкаларида таркалса, тўда хосил килмайдиган *A. sibiricus* L., *Ch. albomarginatus* Deg., *S. scalaris* F.d.W., *O. decorus* Germ., *D. kraussi nigrogeniculatus* L., *A. microptera* F.d.W., *D. kraussi* Ingen., *D. brevicollis* Ev., чигиртка турлари эканлиги, Поволжья чуллари, жанубий Урал, гарбий ва шаркий

Сибир, Калмик улкаларида мунтазам равишда маданий ва кишлоқ хужалик экинларига зарар етказиб туриши кузатилган [203; 16-17- 6.].

Н.Н.Вошедский [60; 13-6.] маълумотларида Россиянинг Ростов областида 1993 йилда италия чигирткасининг бошқа тур чигирткаларга нисбатан 45-50% куп таркалганлиги ва бу турдаги чигирткага қарши 41,7 минг гектар майдонда, Волгаград областида 1989 йилда осие чигирткаларининг 1 м² майдонда 100 донани ташкил этганлиги, 2000 йилда чигирткаларга қарши кураш учун 27 млн Россия рубли сарфланганлиги кайд этилган [203; 16-17-6.], [130; 17-6.].

Р.А.Липчанская [129; 11-6.] кайд этишича Россиянинг гарбий Сибир улкасида 1997 йилда италия чигирткасининг сони кескин ошиб, 2 млн гектар майдонда таркалиши окибатида, чорва моллари озика экинларига жиддий зарар етказганлиги кузатилган [183; 38-39-6.].

Россиянинг Саратов ва Самара областларида эса италия чигирткаси личинкаларининг сони 1999-йилда 1м² ерда 600 донани ташкил этганлиги, сунги 30 йил мобайнида ёппасига таркалиб, купайиши кайд этилмаганлиги, Кулунда ва Иртиш дарёсига якин районларда италия чигирткасининг 1922, 1938, 1943-1945, 1952- 1956, 1967-1971, 1977-1982 йилларда ёппасига купайганлигини ҳам кайд этишган [179; 11-6.]. Новоспасский районида кузги бугдойга, Сенгилеевский районида кунгабокар экинларига жиддий зарар етказганлиги Г.М.Константинов [115; 13-6.], В.И.Черкашин [253; 12-13-6.] ва К^{ал}мик улкасида эса зарарли чигирткаларнинг 1990- йиллардан бошлаб янги учоклари шаклланганлиги галла, шоли, маккажухори, кунгабокар, полиз ва сабзавот экинларига ва куп йиллик манзарали усимликларга жиддий зарар етказганлигини таъкидлашган [86; 13-6.].

Оренбург областида 1976-1982,1987-1991 йилларда тўда хосил килмайдиган чигирткаларнинг сони 1м² ерда 500 донани ташкил этган булса, Олтой улкасида 1989-1992 йилларда 1м² ерда 100

донагача италия чигирткаси личинкалари таркалганлиги кузатилган [161; 11-6.], [173; 188-6.].

Шунингдек Ставрополь областида ҳам 1997-2000 йилларда 20 та районида, жами 372 минг гектар майдонда италия чигирткалари таркалган ва 1м² майдонда чигирткаларнинг таркалиши рекорд курсаткича 1500-2000 донани ташкил этганлиги ва ҳеч қачон қайд этилмаган Г арчевский, Изобильинский, Александровский, Кировский районларида ҳам чигирткаларнинг қупайганлиги

В.Г.Коваленков ва б., [111; 16-17-6.], 1995 йилда 16 та районда, 2001 йилда эса 23 та районда жами 412,2 минг гектар майдонда италия чигирткаси ёппасига таркалганлиги кузтилган [151; 12-6.].

И.И.Магомедов[133; 12-13-б.]нинг маълумотида Догистон улкасида 2000-2001 йилларда зарарли чигирткалар энг қуп таркалган ҳудуд деб эълон қилиниб, телеведения ва ёзма афишалар орқали маълум қилинган лекин, Республикадан ажратилган 5 млн Россия рубли қеч молиялаштирилганлиги сабабли қишлоқ ҳужалик экинларига жиддий зарар етказилган [134; 12-6.], [135; 9-6.], [34; 24-6.].

Россия давлатининг жанубий қисми осий ва италия чигирткалари яшаши ва қупайиши учун қулай жой ҳисобланиб сурункасига 2 йил давомида об-ҳавонинг иссиқ ва муътадил қелиши ушбу тур чигирткаларнинг сонини қескин ошишига олиб қелган М.В.Столяров [206; 38-40-6.] бўлиб, 1999 йилда Россия давлати ва Қрзогистон Республикаси билан қегара ҳудудларида қарийиб 5,5 млн. гектар жойда чигирткаларнинг таркалганлиги аниқланган [253; 12-13-6.].

2011 йилда Россиянинг Астрахан, Волгоград улқаларида энг қуп “чигирткалар” таркалган ҳудудлардан ҳисобланиб, ушбу улқада 30 дан ортиқ зарарли чигирткалар турлари учраши, тўда ҳосил қилувчи чигирткалардан италия ва осий чигирткаси тўда ҳосил қилмайдиган турлардан қул, қора ҳошияли, қрестовичка, қук қанотли, қанотсиз қобилқалар, йул-йул қопъеусқалар, утхур(травяник)лар асосий яйлов ва қишлоқ ҳужалигида

фойдаланилмайдиган ерлардаги усимликларга зарар етказадиган турлар эканлиги кайд этилган [131; 44-47-6.], [78; 8-6.].

ФАОнинг [238; 6-29-6.] “Марказий Осиё ва Кавказ давлатларининг биргаликда зарарли чигирткаларга қарши курашиш бўйича беш йиллик дастури” бўйича йигилишида Грузия ва Россиянинг Догистон улкаси ҳамда Озарбайжон Республикасининг Алазан водийси уртасидаги трансчегаравий ҳудудларида зарарли чигирткаларнинг 1м² майдонда 4-5 тагача италия чигирткасининг тухум кузачалари мавжудлиги аниқланган бўлса, Жанубий Козогистон областининг Ордабас, Шардара, Арыс, Толебий, Сайрам, Қазыгурт районларида мароқаш чигирткасининг доимий ривожланиш ва тарқалиш у^шоқлари мавжуд бўлиб, бу чигирткаларнинг жойлашган учоқлари Ўзбекистон, Қирғизистон Республикалари чегаравий ҳудудларига тугри келиши маълум қилинган [82; 15-6.], [30; 27-35-6.], [121; 42-52-6.].

В.Н.Чайка, О.В.Бакланова [251; 13-6.] маълумотларида келтиришича Украинада 1708-1995 йиллар давомида зарарли чигирткаларнинг 25 мартаба ёппасига қупайганлиги, 1923-1926^{«2} йилларда эса 1 м ерда 800 донагача чигиртка тухум кузачаларини мавжудлиги, Украинада 15 турга яқин чигирткалар асосий зарар келтирувчи тур ҳисобланиб, асосан тўда ҳосил қилмайдиган чигирткалар учрайди ва улар асосан Харьков, Киев, Николаевск, Луганск, Донецк областларида кенг тарқалганлиги уларнинг сони 2 ? 1м² ерда италия чигирткаси 4-40 донани, осиё чигирткаси 1м² ерда 2- 5 донани ташкил этиши бўйича хабарлар келтирилган [252; 45-49-6.].

Илмий тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики тўда ҳосил қилувчи ва тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларнинг ёппасига қупайишига узаро (биотик), табиий-иклим (абиотик) омили ва инсоннинг ҳужалик юритиши (антропоген) омилларга бевосита боғлиқ экан [28; 25-26-6.], [42; 53-59-6.].

1.3. Чигирткаларнинг табиий кушандалари ва уларнинг аҳамияти

Маълумки чигирткаларнинг табиатда учрайдиган табиий кушандалари мавжуд бўлиб, улар тухумдан тортиб кейинги ривожланишининг ҳамма боскичларида доимий равишда кушандалар таъсири остида бўлади. Чигирткаларнинг табиий кушандаларини Б.П.Уваров [230; 215-6.], 2 гуруҳга ажратган.

-Чигиртка тухуми билан озикланадиган текинхур ва йирткичлар;

-Чигиртка личинкаси ва етук зотлари билан озикланадиган текинхур ва йирткичлар;

Ўзбекистон шароитида марокаш, италия чигирткалари ҳамда Кир чигирткасининг кузачаларидаги тухумларида жужжал пашшасининг текинхурлик килиши илмий исботланган ва айникса малхамчи кунгизларнинг чигиртка тухумларида текинхурлик килиши юкори уринда туради [14; 9-346-6.]. Булардан ташкари чигирткаларнинг кичик ёшдаги личинкаларини куплаб кирадиган йирткичлар карапузикалар ва фалангалар эканлиги қайд этилган [64; 23-6.].

Р.А.Алимджанов [35; 129-6.], В.А.Миноранский [145; 206-6.] маълумотларида бир неча тур чигирткаларнинг кузачаларида тухумлар билан озикланувчи малхамчи кунгизларининг «триангулин» личинкалари *Mylabris* авлодига мансуб *M. geminata* F., *M. oliveri* Billb., *M. variabilis* Pall., *M. quadripunctata* L., *M. callida* Pall., *M. polymorpha* Pall., *M. atrata* Pall., *M. guatuordecimpunctata* Pall., *Alosimus syriacus* L., *A. Chalybaeus* Tausch., *A. Collaris* F., турларидир. Шунингдек малхамчи лардан энг куп осие чигирткасининг тухумлари билан озикланувчи кизилбош шпанка *Epicauta etythrocephala* Pall., италия, марокаш, осие ва корайулли чигирткаларнинг тухумларини хуш куриб озикланувчи жужжал пашшаларидан *Anastoechus nitidulus* Fabr., *Cytherea obscura* F., *C. pallasi* Lw. ва бошка турлари ва калифорид пашшаларидан *Sarcotachina succylindrica* Porth., *Oophagomyia plotnicovi* Rohd.,

чигиртка личинкалари билан озикланувчи саркофаг пашшалардан *Blaesoxipha erythrura* Mg., *B. lineata* Fll., *B. laticornis* Mg., *B. unicolor* Vill., *B. filipjevi* Rohd., ва каналардан *Erythaeus phalangioides* Deg., каби хашаротлар табиатда чигирткаларнинг сонини камайтиришда асосий урин тутишини кайд этилган [92; 248-6.], [14; 9-346-6.].

А.В.Лачининский ва б., [14; 9-346-6.] *Bombyliidae* оиласидаги турлар бир кунда 250 та, бутун хаёти давомида 2000 тагача тухумларини ернинг ёрик ва чуқурликларига қуяди, ушбу тухумлардан чиққан личинкалар чигирткаларнинг кузачаларидаги тухумлари билан озикланиб 20%гача камайишига олиб келади [257; 23-6.].

Марокаш ва отбосар чигирткаларининг кузачалари жойлашган ерларда қаргаларнинг кузда ва эрта баҳорда чигиртка тухумлари билан озикланиб, чигирткалар сонини камайитириши ва зарарли чигирткаларнинг тухум кузачалари жойлашган ерни аниқлашда уз хиссасини қушиши урганилган [69; 4-25-6.].

Чигирткаларни қушларнинг 30 туркумига мансуб вакиллари, шунингдек қалтакесаклар, тулки, ургимчаклар, чаёнлар, тошбакалар ва бошқа умурткали-умурткасиз жониворлар ҳам маълум даражада чигирткалар сонини камайитириши кайд этилган [51; 127-6.], [210; 76-6.], [221; 22-6.].

А.М.Пудовкин [166; 60-6.] маълумотида чугурчукларнинг *Pastor roseus* L., тури чигирткаларнинг сонини энг қўп камайтирадиган қўш ҳисобланиб Афғонистон ва Ҳиндистондан апрел ойининг бошларида Урта Осиёга учиб келади, ҳозирги пайтда келиб эса Ўзбекистонга май ойининг бошларида учиб келиши қўзатишган [210; 76-6.].

Бир дона пушти ранг чугурчуклар бир кунда 200 та, 3-чи ёш чигиртка личинкаси билан ёки 120 дона 5-чи ёшли марокаш чигирткалари билан умумий мавсумда 1500 жуфт чугурчуклар, 200 дан 240 мингтагача чигирткаларни юқотиши ҳисобланилган [217; 219-6.].

Пушти ранг чугурчуклар факатгина экологик тоза, қимёвий ишлов олиб қўрилмаган жойлардаги чигирткалар билан

озикланиши ва чигирткалар ёппасига нобуд булгандан кейин эса чугурчуклар озикланиш илинжида данакли мевалар, мевали тутларга ва узумларга жиддий зарар етказиши кузатилган [110; 28- 6.], [188; 1-53-6.], [221; 22-6.].

К.А.ЈТер [128; 3-56-6.] таъкидлашича суналарнинг купгина турлари факат чигирткалар хисобига хаёт кечириб, айрим турдаги суналар марокаш чигирткаси тухумидан чика бошлаган жойларда

40- 60%гача личинкаларини кириши аниқланган [14; 9-346-6.].

Купчилик арилар чигиртка текинхури булиб, уни олдин жонсизлантириб кейин тухумини чигиртка танасига куйиши оркали уларнинг сонини камайтириши С.Н.Мярцева [147; 2-12-6.] томонидан урганилган.

Тожикистон Республикасида марокаш чигирткасининг 1 -2 нчи ёшдаги личинкаларининг 1958 йилда каналардан *Eutrombidium debilipes* Leonardi., тури билан, шунингдек *Parasarcophaga portschinsk.*, пашшасининг личинкалари билан зарарланилиб жами 16% гача камайган булса, ушбу тур чигирткаларининг III,IV,V ёш личинкаларида зарарланиш кузатилмаган [175; 15-6.]. 2003 йилда Россиянинг Ростов областида италия чигирткаларининг тухум кузачаларини кизилбош шпанка, тахин ва саркофаг пашшалари билан 30% гача зарарланганлиги кузатилган булса, Ставрополь улкасида 1995 йилда кизилбош шпанкалар *E. erythrocephala* нинг

1м ерда 57-380 тагачани ташкил этганлиги ва 2010 йилда ушбу улканинг 14 та районининг 132 та чигиртка тухум кузачалари таркалган учоклари у^{Рганил}ганда 27-100% гача кизилбош шпанкалар чигирткалар тухум кузачасини зарарлаганлиги кайд этилган [62; 30-32-6.], [113; 12-6.], [114; 14-17-6.].

2010 йилда Россияда кизилбош шпанкаларга қарши иккита гуруҳдаги пиретроид ва фосфорорганик препаратларнинг токсик таъсири урганилганда фосфорорганик бирикмали диметоат ва фенитротион препаратлари 94-100% гача табиий энтомофагларни нобуд қилганлиги аниқланган. Пиретроидлар гуруҳидаги дельтаметрин 11% нобуд этганлиги кузатилган [112; 306-309-6.], [113; 18-22-6.], [320; 175-188-6.].

А.В.Лачининский ва б., [14; 9-346-6.], кайд этишича чигирткаларни бир хужайрали паразит амёбалардан *Malamoeba locustae* споралари чигирткаларнинг овкат хазм килиш ва айриш органларига таъсир курсатиб, уларга зарар етказса, нематодалардан *Mermithidae* оиласининг *Mermis*, *Agamermis*, *Ovomermis* ва *Amphymermis* турлари у³ хужайин танасида кун кечириши натижасида 10% гача чигирткалар ушбу кушандалар таъсирида нобуд булиши аниқланган [170; 207-6.].

М.Г.Сергеевнинг [186; 24-25-6.] маълумотларида Россияда 1995 йилда табиий энтомофаглардан кизилбош шпанка *E. erythrocephala* 1 м майдонда 57-380 булганлиги кузатилган булса, 2010-йилда 14 та туманда воҳа чигирткасининг тухум кузачалари 27-100% табиий энтомофаглар билан зарарланганлиги аниқланган [9; 270-6.], [113; 18-22-6.].

Келтирилган маълумотлардан хулоса этиш мумкинки, табиий кушандаларнинг чигирткалар сонини камайитиришидаги уР^{ни} шубҳасиздир. Уларнинг энтомофаглариининг табиий популяцияларини асраш мақсадида захарли инсектицидларни ниҳоятда эҳтиёткорлик ва илмий ёндашган ҳолда фойдаланиш лозимлигини курсатади.

1.4. Зарарли чигирткаларга қарши агротехник, биологик кураш чоралари ва имкониятлари

Чигирткаларнинг зарари ёппасига қупайганлиги ҳақида эрамиздан олдин Мисрда Фиравинлар даврида папирус коғозларида ёзиб қолдирган булса, бироздан кейин Яқин Шарқ ва Хитойда ёппасига қупайганлиги ва уларга қарши қурашилганлиги тугрисида маълумотлар Урта Осиёда эса зарарли чигирткаларнинг қупайиши сабабли айрим туркий миллатлар узлари яшаб турган жойларини тарқ этиб қучиб юришларига ҳам сабаб булганлиги қайд этилган [184; 24-27-6.], [210; 76-6.].

Урта Осиёда ҳусусан Ўзбекистонда ҳам қадимда зарарли чигирткаларга қарши қурашда оддий усуллардан фойдаланилган бир неча километрли хандақлар қазилиб ёки турли туткичлар

ёрдамида тутиш, чигирткаларни ҳдйдаб чуқурга тушириб устидан тупрок кўйилиб ёки сомон ва пичанлар ёкилиб чигирткаларни оловда кўйдириш орқали кураш олиб борилган [99; 46-6.], [166; 60- 6.], [98; 5-72-6.].

Тўда ҳосил қилмайдиган чигирткалар кенг тарқалаётган ва ҳавф тугдираётган Сирдарё, Тошкент, Жиззах вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасининг айрим туманларида буш ётган жойлар ва дала четлари, йул ёкаларини ҳайдаш, бороналаш ва дискалаш уларни узлаштириш ишларини амалга ошириш бу турдаги чигирткаларнинг ёппасига қупайиб кетишининг олдини олишда муҳим тадбирлардан бири булиб ҳисоблансада, иқтисодий ва экологик жихатдан самарасиз усулдир [210; 76-6.], [247; 352-6.], [248; 540-6.].

С.П.Старостин ва б., [199; 42-43-6.] маълумотларида чигирткаларга қарши агротехник кураш қораларини тухум қузача кўйишидан олдин улар жойлашган майдонда 5-7 см чуқурликда текис қескичли мосламалар билан ҳайдаш иккинчи мартаба 7-14 ҳафтадан кейин 14-16 см чуқурликда ҳайдаш зарур (ушбу усул 20- 25 июнда Павлодор улқасида олиб қорилган) ёки эрта баҳорда 20-22 см чуқурликда бороналаш зарарли чигирткалар тухум қузачаси зарарланган ерларни йукотиши билан бирга, бегона уғларни ҳам тозалашда яхши натижа берган.

1997-1998 йилларда Россия давлатининг Ростов областида италия чигирткаларига қарши БИГ-3 бороналари ёрдамида тупрок Қатламининг 5-7 см чуқурликда бороналаш натижасида 35% гача, оғир тишли маҳсус плуглар ёрдамида 20-22см чуқурликда агротехник кураш олиб қорилиши натижасида 15-20% дан, 55-57% гача самарага эга булган булса, 2005-2006 йилларда эса ушбу областда мониторинг ўтқазилганда италия чигирткаларининг сони 3 баравар қамайганлиги 1м² майдонда уртача улар сони 2,2-6,5 донани ташқил этганлигини қайд этилган [136; 19-6.], [61; 24-6.], [62; 30-32-6.] [207; 40-43-6.], [193; 8-6.].

А.И.Полищук, О.В.Маленкова, [161; 11-6.] таъқидлашича Оренбург областида 1999-2000 йилларда қуз ва баҳорда 328 минг

гектар майдонда агротехник кураш чоралари олиб борилди, ушбу усулда сурункасига кураш олиб борилишига об-хдвонинг совук булиши ёки тез-тез ёмгир ёгиши натижасида бирмунча кийинчиликлар тугдирган.

Россиянинг Омск области 11та районида 2000 йилда турли хил чигиртка личинкалари 1м² майдонда уртача 1000 донани ташкил этганлиги ва 364 минг/га майдонда агротехник кураш чоралари олиб борилган булиб, БИГ-3 мосламасининг тишлари куп изли булиши 95% гача, икки изли булиши 70% гача, бир излиси билан 40% гача тухум кузачаларини камайтиради [193; 8-6.], [84; 14-15- 6.], [85; 12-6.].

Воронеж областида италия чигирткасининг 14,7 минг гектарда 1м да 400-800 донагача тухум кузачалари таркалган булиб, 10,2 минг гектар майдонда агротехник кураш чоралари олиб борилди ва 605 гектар жойдаги ута зич чигиртка кузачалари жойлашган ерда агротехник кураш натижасида ижобий натижага эришилган [36; 13- 6.].

Хозирги кунда дунё буйича зарарли чигирткаларга қарши асосан кимёвий усулда кураш чоралари олиб бориш оркали уларнинг келтирадиган зарари зудликда бартараф килинсада, вужудга келган муаммолар кимёвий усулни маълум даражада кискартириб, табиатга нисбатан безарар булган узок таъсир механизмига эга препаратларни куллаш ёки табиатга зарарсиз булган микробиологик усулдан фойдаланишни таказо этмокда [221; 22-6.].

Чул пруслари имаголарининг ёппасига *Fusarium*, *Mucor*, *Cladosporium*, *Helminthosporiwn*, *Altemaria*, *Aspergillus* замбуруглар билан нобуд булиши урганилган [14; 9-346-6.].

А.В.Лачининский ва б., [14; 9-346-6.] кузатишларича хозирги даврда чигирткаларда касаллик кузгатувчи микроорганизмлар турлича булиши, жумладан замбуруглар, бактериялар, вируслар, нематодалар шулар каторидандир [95; 134-135-6.], [293; 192-195-6.], [101; 58-62-6.]. Буларнинг орасида айникса замбуругларнинг чигирткаларда юкори даражада касаллик келтириб чикариши А.А.

Евлахова, О.И.Швецова [6; 98-6.] тадкикотларида кузатилган [157; 18-6.].

Чигирткаларга қарши катта майдонларда бактерияларни куллаш тадбирларига катта эътибор қаратилган, аммо кейинроқ замбуруглардан фойдаланиш имкониятлари юзага кела бошлангач италия чигирткаси популяциясига *Entomophaga grylli* куллаб курилади [14; 9-346-6.], [23; 840-6.]. Ушбу замбуруг устида куп йиллик тадкикотлар олиб борилгани билан *E. grylli* таркибли биопрепарат ишлаб чиқариш имкони булмаган. Аммо, пивали агар- агарда устирилган юкумли замбуруг конидиялари мавжуд тоза масса ажратиб олиниб биологик самараси уР^{ганилган}Д^а чигирткаларда 74-90% гача биологик самара курсатган [25; 28-30- 6.].

Кейинчалик эса чигирткаларда микроспоридийлар аниқланган булиб, асосий эътибор улардан фойдаланишга қаратилган [287; 287- 290-6.], [293; 192-195-6.]. Ўзбекистоннинг жанубидан йигилган марокаш чигирткасидан *Aspergillus terreus* замбуруги ҳамда *Nosema* sp. микроспоридийсини илк бор А.А.Нуржанов, А.В.Лачининскийлар [156; 62-69-6.], [157; 18-6.] ажратиб олишга муваффақ булдилар.

1985 йилда Кашкадарё вилояти худудидан марокаш чигирткаси намуналаридан *Nosema maroccanus* микроспоридийси билан зарарлангани аниқланган [101; 58-62-6.]. Испаниянинг Авила провенциясида чигирткалардан 6 тур асосий зарар келтирувчи турлари хисобланиб, уларга қарши *Nosema locustae*. биологик споралари билан ишлов берилганда юкори самарани кайд этган [312; 994-997-6.].

Хитой давлатида кейинги йилларда чигирткаларга қарши 20 йил ичида *Nosema locustae* Canning, микроспоридийлари билан 1 млн гектар майдонда ишлов олиб борилди [184; 24-27-6.].

Schistocerca gregaria Forsk., чигирткасига қарши бактерия штамм *Bacillus thuringiensis* ва *B. sphaericus*, замбуругли *Metarhizium* spp. ва *B. bassiana* микробиологик воситалар Кулланилиб курилди [321; 18-23-6.]. С.Prior., D.J.Greahead [317; 37-

48-6.] олиб борган тадқиқотлар шуни курсатдики бактерия штамми *N.locustae.*, *Bacillus thuringiensis.*, *B. sphaericus.*, воситаларининг ишлаб чиқариш қийинлиги ва иқтисодий томондан қимматга тушиши ҳамда чигирткаларга секин таъсир этиши урганилган.

Кейинги тадқиқотлар зарарли чигиртка ва темирчакларга қарши яхши самара берадиган замбуруг штамми ок ва яшил мускардинали: *Beauveria bassiana* ва *Metarhizium anisopliae* var. *acridum* га қаратилди F.Driver et al., [282; 135-151 6.] худди шундай биопрепарат *M. flavoviridae.* ҳам урганилди [296; 165-175-6.], [300; 541-546-6.], [308; 307-312-6.].

2003 йил Танзанияда Катави миллий богида зарарли чигирткаларга қарши илк маротаба *M. acridum* [IMI 330189] энтомопатоген микроорганизми асосида яратилган биопрепарат билан ишлов берилганда юқори натижага эришилиб, бошқа фойдали энтомофаглarning кирилиб кетишини олди олинган [324; 160-6.].

2012 йил Хитой давлатида *M.anisopliae* замбуруги ва *N.locustae* микро-споридийси аралашмали биопрепарат зарарли чигирткаларга қарши қулланилганда 96,0% гача биологик самарага эришилган [331; 161-6.].

Н.Х.Туфлиев, [221; 22-6.] ва Ф.А.Гаппаров ва б., [74; 28-6.] маълумотларида Ўзбекистонда илк маротаба зарарли чигирткаларга қарши Green Guard SC, биопрепарати-0,5 л/га сарфида самараси урганилган [144; 23-6.], [224; 155-157-6.], [71; 139-141-6.], [81; 15- 16-6.], [71; 139-141-6.], [72; 149-152-6.], [292; 61-65-6.].

А.В.Лачининский, [123; 9-11-6.] маълумотида *M. acridum* биоинсектицидини Африка, Австралия давлатларида зарарли чигирткаларга қарши амалда қулланилиб, табиатнинг мусаффолигини таъминлашда юқори натижаларга эришилмоқда [15; 134-6.], [313; 253-259-6.], [281; 131-139-6.], [301; 603-611-6.], [322; 357-364-6.], [311; 163-171-6.], [300; 541-546-6.].

Хитой давлатининг, Билиоу Жилин провенциясида 24915 гектар майдонда *N. locustae* бактерияли ҳамда *M. anisopliae* энтомопатоген замбуругли аралашмали биоинсектициди осиё

чигирткасига қарши қулланилганда 14-35 кунларда 43% дан, 96% гача биологик самарадорликка эришилган [331; 161-6.]. L.W.Zhang, et al, [333; 167-6.] илмий маълумотларида Хитой давлатида *Entomophaga grylli* энтомопатоген микроорганизми *C.italicus*,

5. *scalaris*, *Gomphocerus sibiricus*, *Omocestus haemorrhoidalis*, *Ch. albomarginatus*, *Bryodemella* sp. ва *Oedaleus* sp. чигирткаларига қарши қулланилганда *C. italicus* тур чигирткасига қарши 83,3%, *S. scalaris* қарши 77,3% биологик самара берган.

Препарат шаклидаги *M. flavoviridae* (SP-3 штамм), биопрепарат АКД1нинг “Mycotech Corp.” компаниясида ишлаб чиқарила бошланди ва Мадагаскарда *L. migratoria* capito. тур чигирткаларига қарши синаб қурилиб самарадорлиги 100% гача булганлиги кузатирилган [76; 285-6.].

B. bassiana (SP-16 штамм) ёғли аралашма шаклидаги биопрепарат синаб қурилганда 10 кундан кейин 95% чигирткалар нобуд бўлди [76; 285-6.]. Биопрепаратлар билан ишлов олиб борилган жойларда асалари ва танга канотлиларга токсик таъсири кузатилмаган [278; 171-176-6.].

Бластоспор суспензияли *B. bassiana* биопрепаратини ута кам ҳажмда пуркаш мосламасида *L. migratoria* capito. тур чигирткаларига сепилганда 70-80% самарага эга булган бўлса, бластоспор 1×10^7 (Mfl-5 штамми) сувли ёғли шаклидаги (80% ёғ ва 20% сув) *M. flavoviridae* биопрепарата 14 кундан кейин кичик ёшли *Sch.gregaria* Forsk.-сахро чигирткаси ва катта ёшли *L.migratoria* capito. тур чигирткаларига 100% биологик самарага эга булган [332; 239-242-6.].

Козогистонда *B. bassiana* sensu lato, *B. bassiana* sensu stricto ва *B. pseudobassiana* замбуруг штаммларининг 1×10^7 титр/мл булган суспензияни италия чигирткасига қарши таъсири урганилган ва 9 кундан кейин 92,9-100% гача биологик самара берган [125; 613-617-

6.], [126; 18-21-6.], [159; 183-6.], [234; 20-6.], [235; 16-17-6.], [27; 597-599-6.], [96; 38-41-6.], [109; 54-58-6.], [127; 136-137-6.], [222; 141-143-6.], [223; 457-459-6.], [225; 251-252-6.], [284; 237-256-6.], [309; 667-702-6.], [318; 84-98-6.].

С. J.Lomer et al., [309; 667-702-6.] тадқиқотларида зарарли чигирткаларга қарши тропик ва субтропик шароитларда ҳам икки хил *Metarhizium* микробиологик *M. flavoviride* ва *M. anisopliae* биопрепаратларининг юқори самара бериши аниқланган [272; 222- 225-6.], [290; 335-348-6.], [291; 293-303-6.].

Д.Н.Говоров ва 6., [77; 3-4-6.] маълумотида дунё бўйича зараркунанда ва касалликларга қарши феромон ва биопестицидларни ишлаб чиқариш, фойдаланиш бўйича А1\Ш х;ар йили 1 млрд. доллар маблаг ажратиб дунёда бўйича ишлатиладиган биопестициднинг 45%, Европа 35%, бошқа давлатлар эса 20% ини ташкил этади.

1.5. Зарарли чигирткаларга қарши курашда қулланиладиган восита ва усуллари, уларнинг истикболлари

Х,озирги кунда ҳам бутун дунёда зарарли чигирткаларга қарши курашда кимёвий усуллардан фойдаланиш уз самарасини тез ва юқорилиги билан ахамиятини йукотган эмас. Кейинги у^н йилликларга келиб кимёвий воситаларни ишлаб чиқариш соҳасининг тараккий этиши зарарли чигирткаларга қарши курашда фойдаланиладиган препаратларнинг меъёрини бир неча килограммдан бир неча граммгача камайиши, уларнинг турларини кенгайишига ҳамда ҳар хил таъсир этиш механизмига эга булган препаратлар ва иш унумдорлиги юқори мосламаларини яратилишига асос булди [14; 9-346-6.], [210; 76-6.], [247; 540-6.].

Тоғолди, яйлов ва чул ҳудудлардаги табиий усимликларни саклаш лозим, қайсики қоракулчилик учун озика таъминотининг 80- 90% яйлов хисобига қопланганидагина соҳа самарадорлиги юқори булади [50; 40-44-6.].

Зарарли чигирткаларга қарши кимёвий кураш гарбий Европада бошқа давлатларга Караганда олдинрок, Россияда эса биринчи маротаба инсектицидлардан фойдаланиш 1898 йилларда бошланган [152; 330-6.], [169; 37-6.], [160; 12-28-6.], [191; 16-6.], [221; 22-6.].

Урта Осиёда 1923 йилда илк маротаба зарарли чигирткаларга қарши алдамчи емлардан фойдаланилган булса, мишякли натрий,

кремний-фтор натрийли каби ута захарли бирикмали пестицидларни марокаш, кир, отбосар ва прусларга қарши 1932 йилда Плотников томонидан синаб курилган [166; 60-6.], [191; 16 6.], [230; 215 6.], [98; 5-72 6.].

Собик Иттифок даврида 1947 йилдан чигирткаларга қарши курашда инсонлар ва иссиқконли жонзотларга юкори токсинли 12% гексахлоран . дустидан 1,3-2,3 кг/га микдорда кенг микёсда фойдаланилган, аммо чигирткаларга атиги 20-50% биологик самарага эга булган [21; 31-6.], [250; 11-14-6.].

Ушбу пестицид факатгина кичик ёшдаги чигиртка личинкаларига таъсир этиши инсон соғлигига салбий таъсири курсатиши, унинг атроф-мухитни ифлослантириши тупрокда узок муддат сакланиб қолиши аниқланилган [242; 11-6.], [120; 101-110- 6.].

К[^]оракалпоғистонда 8 000 минг гектар майдонда, Т[^]озогистонда 39 096 минг гектар, К[^]ирғизистонда 32 645 минг гектар, Озарбойжонда 37 993 минг жами собик Иттифок бўйича 205 630 минг гектар майдонда ГХЦГ пестициди билан кимёвий кураш олиб борилган [162; 42-48-6.].

Утган асрнинг 60-йилларидан сунг зарарли чигирткаларга қарши курашда янги х.имоя воситалари Японияда ишлаб чиқарилган, карбофос, 30%, 50% эм.к., метилнитрофос, 80% эм.к., метафос, 50% эм.к., Швейцария давлатида ишлаб чиқарилган ДДВФ, 80% эм.к., севин, 50% н. кук., ГХЦГ, 50%, 80% н.кук. ва базудин, 40% эм.к., метатион, 20% эм.к., фозалон, 20% эм.к., фталофос, 50% эм.к. каби препаратлари 1969-1970 йилларда К[^]озогистон Республикасида тўда булиб яшовчи италия чигирткаларига қарши биологик самарадорлиги уР^{ганил}ган ва зарарли чигирткаларга қарши кенг микёсда фойдаланишга жорий этилди [119; 33-6.], [64; 23-6.].

В.Е.Камбулин ва 6., [106; 18-20-6.] Крзогистонда зарарли чигирткаларга қарши ГХЦГ 12% ни кулланилиши оқибатида (1981-1996 йй.) чигирткаларнинг етук зотларида альфа, бета, гамма изомерлари меъёридан 2,2 баробар куплиги ва бу чигирткалар

билан озикланган бал и кл ар, куш л ар ва бошка хайвонларнинг танасига токсинларнинг тупланиши, бу жонзотлар билан озикланган инсоннинг ҳам иммун тизимини пасайиши турли касалликларга мойиллиги ошиши аниқланган [158; 83-94-6.], [233; 38-6.].

Ўзбекистонда пиретроид гурухига мансуб препаратларни 1979 йилдан УзУХКИТИда Ш.Т.Хужаев раҳбарлигида урганила бошланган бўлиб, зарарли чигирткаларга қарши курашда таъсир тез сарф-меъёри кам бўлган пиретроид препаратлардан зарарли чигирткаларга қарши фойдаланиш 1982 йилдан сумицидин препаратини ишлатишдан бошланган [119; 33-6.], [242; 11-6.], [68; 35-6.], [64; 22-6.], [239; 23-6.], [243; 18-6.]. [221; 22-6.], [247; 352-6.].

А.Опыеосба Franciska et al., [316; 361-363-6.] илмий маълумотларида чигирткаларнинг *L. m. Cinerascens* ва *L. m. migratorioides* турларига қарши 4 та гурухга мансуб препаратлар дилидин, метомил, фенитротион, перметрин ва хашаротларни усув қисмини бошқарувчи тefлyбензурон каби инсектицидларга нисбатан чидамлилиги урганилганда етук зотларига токсик таъсир қурсатмаганлиги, тўда бўлиб яшовчи шаклларида, якка ҳолда яшовчи шайотлари инсектицидларга нисбатан чидамлилигини аниқлашди [327; 324-331-6.], [124; 5-10-6.].

Россиянинг Ростов областида 1997 йилда пиретроид гурухига мансуб препаратлар зарарли чигирткаларга қарши биологик самарадорлиги 92-98% ни ташкил этган [60; 13-6.], [86; 13-6.]. Козогистон Республикасида 1998-йилда италия чигирткасида қаратэ, 5% эм.к., 0,1-0,4 л/га препарата 24 соатдан кейин 100% биологик самарага эга бўлган [256; 11-6.].

Ставрополь улкасида 2000-йилда италия чигирткасига қарши- 584,6 минг/га, 2010-йилда эса-180 минг/га майдонда кимёвий кураш олиб борилган [111; 16-17-6.]. Ушбу улкада 2015-йилда италия чигирткасига қарши-18,2 минг/га, марокаш чигирткасига Қарши-63,2 минг/га, осие чигирткасига қарши-1 минг/га майдонда децис экстра, фастак, қаратэ зеон, кинмикс, фьюри, сумитион

кимёвий препаратлари билан ишлов олиб борилган [114; 14-17-6.], [102; 41-46-6.], [112; 306-309-6.], [197; 14-20-6.].

С.С.Хасенов [241; 3-5-6.] маълумотида 2012 йил Цозогистонда 300 минг/га майдонда тўда ҳосил қилмайдиган зарарли чигирткаларга қарши турли гуруҳга мансуб инсектицидлардан фойдаланган. Препаратларни куллашда об-хаво ҳарорати муҳим урин тутади Ш.Т.Хужаев [248; 540-6.], 20-22°C да фьюри, 10% с.з.к.-О. I л/га сарфида италия чигирткасида 90-100% самарага эга бўлди [52; 15-6.].

АҚШда зарарли чигирткаларга қарши икки хил препаратдан фойдаланишга рухсат берилган севин ва карбофос А.В.Лачининский [123; 9-11-6.] бўлса, 1986-1988 йилларда 8 млн гектар майдонда кураш олиб боришиб, 8 млн литр карбофос ишлатилиб, ушбу препарат учун 75 млн, доллар сарфланган [132; 10-11-6.].

Дж. А.Локвуд ва 6., [132; 10-11-6.] қайд этишича 1995-1999 йилларда АҚШ Вайоминг Университета олимлари тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларга қарши RAATs тусик усулида кураш чораси олиб боришган, ушбу усул ёрдамида АҚШ ва Россия давлатларида ўтказилган синовларда маълум бўлдики 80-95% гача самарага эга бўлган [88; 16-17-6.], [181; 104-6.].

2011- йилда Кавказорти ва Урта Осиёда жами 10 та давлатда 4,4 млн., гектар майдонда зарарли чигирткаларга қарши кураш ишлари олиб борилган бу курсаткич 2010-йилга нисбатан 33% кам ишлов олиб борилган [70; 13-15-6.], [123; 9-11-6.], [221; 23-6.].

2010-йилда Россияда қарийиб 3 млн гектар майдонда чигирткалар тарқалганлиги кузатилиб, 630 минг гектар майдонда кимёвий кураш чоратadbирлари ўтказилган. 2011 -йил Россияда 5 та инсектицид зарарли чигирткаларга қарши қулланилган (адонис, димилин, каратэ зеон, креоцид про, имидор) бўлиб, факатгина адонис препаратини баликчилик хужаликлари атрофида куллашга рухсат этилмаган [137; 7-11-6.].

ФАО [237; 3-47-6.], [238; 6-29-6.] ҳар йили зарарли чигирткаларга қарши курашиш учун Козогистон ва Ўзбекистон

Республикаларида қарийиб 5-6 млн., доллар маблаг давлат бюджетидан сарфланса, Россиянинг ҳудудий бюджетининг узидан ушбу зараркунандаларга қарши 1,2 млн., доллар сарфланади [137; 7-11-6.].

A.V.Latchininsky, S.P.Schell & Lockwood J.A. [303; 1856-1866- 6.] саҳро чигирткасига қарши 2003-2005-йиллар давомида 22 та давлатда қарийиб 13 млн/га майдонда 12 млн., литр инсектицид кулланилиб, улар асосан фосфорорганик препаратлардан фойдаланилган [124; 5-10-6.].

А.М.Малько., Говоров Д.Н. [140; 8-6.] 2012-йил зарарли чигирткаларга қарши Россияда 1640,44 минг/га майдонда кураш ишлари олиб борилган, Козогистонда 212,99 минг/га майдонда осие, 1947,1 минг/га майдонда италия, 132,01 минг/га майдонда марокаш чигирткаларига қарши, жами 2228,4 минг/га майдонда кимёвий кураш олиб борилганлиги ва 2013-йилда Россияда 1596 минг/га майдонда, Козогистон Республикасида 2252 минг/га майдонда тўда ҳосил килувчи, 388 минг/га майдонда эса тўда ҳосил килмайдиган чигирткаларга қарши кураш олиб бориш бўйича башорат килинган [78; 6-8-6.].

Ж.Б.Ниязбеков [153; 21-23-6.] Козогистонда 1996-2001 йилларда 18 млн 500 минг/га майдонда, Россияда эса 2008-2013 йилларда эса 5 млн 802 минг/га, майдонда кимёвий кураш чора- тадбирлари ўтказилган [80; 7-8-6.].

ФАОнинг [238; 6-29-6.] Урта Осиё ва Кавказ давлатларининг халқаро йиғилишида қайд этилишича Афғонистонда 227 149 га, Арманистонда 200 га, Озарбайжонда 50 000 га, Грузияда 2 100 га, Козогистонда 1 917 060 га, Қирғизистонда 58 701 га, Россияда 1 376 550 га, Тожикистонда 137 518 га, Туркменистонда 258 000 га, Ўзбекистонда 439 800 гектар майдонда зарарли чигирткаларга Қарши кимёвий кураш олиб борилган. 2016-йилда эса Афғонистонда 136 113 га, Арманистонда 400 га, Озарбайжонда 16 592 га, Грузияда 23 600 га, Козогистонда 1 901 800 га, Қирғизистонда 59 881 га, Россияда 854 670 га, Тожикистонда 57 437 га, Туркменистонда 83 059 га, Ўзбекистонда 399 800 гектар

майдонда зарарли чигирткаларга қарши кураш олиб борилган [73; 50-52-6.], [83; 10-12-6.], [100; 9-10-6.].

М.В.Столяров [19; 32-6.] зарарли чигирткаларга қарши димилинни 25 давлатда куллаш тавсия этилган булиб шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ушбу препарат зарарли чигирткаларга қарши токсик таъсири 30-35 кун давом этиши урганилган [264; 16-6.], [87; 44-6.], [89; 55-80-6.], [221; 22-6.] [334; 144-6.], [68; 35-6.], [336; 335-III,

2010 йил Ўзбекистонда чигирткаларга қарши моторли кул пуркагичи ёрдамида 59200 га, трактор ОВХ-600 пуркагичи ёрдамида 165 800 га, дельтаплан ёрдамида эса 77 200 га, самолёт Ан-2 ёрдамида 16 200 га, ута кам хажмда пуркаш (УМО) мосламаси ёрдамида 309 000 га майдонда кураш олиб борилган [124; 5-10-6.].

Козогистон Республикасида димилин ОФ-6, 6% препаратини- 0,15-0,5 л/га сарфида тўда хосил килмайдиган чигирткаларга тўда булиб яшовчи чигирткаларга 0,5-0,75 л/га меъёрида биологик самараси юкори булиб, 45 кунгача токсик таъсири кузатилган [104; 25- 6.], [335; 163-6.].

Димилин препарата иссиқконли хайвонлар учун мутлақо зарарсиздир, жуда куп тадқиқотлардан шу нарса аён булдики, димилин деярли барча табиий кушандаларга нисбатан ҳам зарарсиздир [298; 732-736-6.], [246; 33-34-6.], [221; 23-6.].

В.И.Долженко ва 6., [89; 55-80-6.] зарарли чигирткалар ёппасига купайганда препаратларга чидамлилиқ муддатлари турлича пиретроидлар 3-5, ФОБ ва неоникотиноидлар 5-10, фенилпиразол ва бензоилмочевина гуруҳидаги препаратларга 30 кунгача давом этиши урганилган [221; 22-6.], [337; 384-6.].

Мадагаскарда 1999 йилда зарарли чигирткаларга қарши адонис препарата билан 3 ой давомида 1,1 млн. гектар майдонда тусиқ усулида кураш олиб борилиб тусиқлар орасидаги масофа 500-1000 метргача булсада юкори самарага эга булган [123; 9-11-6.], [339; 340-6.]. Россияда адонис билан тусиқ усулида ишлов олиб борилганда 7 суткадан кейин кимёвий ишлов ўтказилган майдонда 92,9% самарага эга булган [180; 19-20-6.], [150; 24-6.].

Н.Евдокимов ва б., [94; 21-25-6.] тажрибасида Козогистон Республикасида чигирткаларга қарши курашда далаларда ишлов беришнинг тасмасимон ва тусик усулларида 2000-2001 йилларда димилин ва адонис препаратлари билан 3,5 млн. гектар майдонда кураш олиб борилиб, 95-99% биологик самарадорликка эришилган [31; 18-20-6.], [220; 14-6.], [29; 8-11.], [221; 22-6.].

АҚШда 2002-йилда яйлов ва кишлоқ хужалик экинлари учун фойдаланилмайдиган майдонларга давлат бюджетидан кураш ишларига факатгина карбофос, карбарил ва димилин препаратларини куллашга рухсат берилган булиб, ушбу давлатда тўда ҳосил килмайдиган чигирткаларга қарши оддий (ёппасига) усулида кураш олиб борилганда 1 га ерга ишлов учун 8 дан 100 долларгача маблаг сарфланса, тусик усулида курашда 4 дан 10 долларгача маблаг сарфланиши исботланган [138; 16-17-6.].

Зарарли чигирткаларга қарши ута кам ҳажмда пуркаш УМО мосламаларидан фойдаланиш катор хорижий давлатларда йулга қуйилган: АҚД1, Япония, Испания, Индонезия, Ирок, Х^{III}Дистон, Болгария, Венгрия, Австралия, Африка улкаларида [310; 164-6.], [171; 195-284-6.], [270; 231-234-6.], [319; 381-386 -6.], [11; 13-6.], [260; 26-30-6.], [245; 124-6.].

Хитой давлатида авиа-УМО ёрдамида зарарли чигирткаларга қарши 700 минг гектар, Австралия, Венгрияда давлатларида авиа- УМО мосламалари ёрдамида ҳар йили кимёвий ишлов олиб борилиб, 5 м баландликда, 190 км/с, тезликда учганда юкори самарага эришилган [306; 275-283-6.], [319; 381-386-6.].

Зарарли чигирткаларга қарши ута кам ҳажмда пуркаш УМО ва авиа-УМО мосламаларидан фойдаланиш собик совет даврида илк маротаба 1980 йилда Ўзбекистонда бошланган булиб, асосан махсус препаратлардан (сумицидин, антио, тиодан, карбофос, диазинон ва Х.) фойдаланилган [64; 23-6.], [68; 35-6.].

Э.Д.Абашидзе [25; 28-30-6.] Грузияда зарарли чигирткаларга қарши курашда 175 дона ута кам ҳажмли (УМО) мосламаларидан фойдаланилган.

Неча юз йилдан буён инсонлар тасаввурида зарарли чигирткалар очликка, касалликка ва бошқа ночорликка олиб келувчи зараркунанда сифатида қаралиб келинади. Х,ақиқатдан ҳам ҳпундай қайсики, ушбу турдаги ҳашарот соҳа мутахассислар томонидан эътиборсиз қолдирилса, шундай вазиятни юзага келтирувчи зараркунандадир [40; 5-8-6.].

Табиатдагй барча жонзотлар каби чигирткаларнинг ҳам биоценозда муҳим урнига эга ҳашаротлардан биридир, уларнинг сонини кескин камайтириш ёки айрим тур чигирткаларнинг йук булиб, кетишига йул қуймаслик улар сонини ИЗММдан ошмаган ҳолда сақлаб туриш бизнинг энг асосий устувор вазифамиздир.

Ўзбекистонда яйловлардаги у^{симликлар}нинг сийрак калинлиги ҳисобга олинган ҳолда об-ҳаво қулай келганда эса 1 м да 5-10 донани, тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларга 1м 10-15 дона галлазорларнинг ичида бўлса 2-5 дона/м ташкил этганда кимёвий қарши қураш ишлари олиб борилади [128; 3-56-6.], [210; 76-6.].

Артохин К.С., Терсиков Е.Н. [40; 5-8-6.] Ростов областида 2010- 2016 йй. олиб борган тадқиқотларида қайд этишича чигирткаларнинг ИЗММ ҳар бир чигиртка тури ва экин турига қараб белгилаш тавсия этилган [33; 76-6.], [38; 53-56 -6.], [37; 39-47-6.], [39; 48-52-6.], [117; 30-34-6.].

АК^Шда зарарли чигирткаларнинг ИЗММ 9,6 дона/м², кимёвий қарши қураш яйловда 25 дона/м² ташкил этганда олиб борилади. Қозоғистонда ИЗММ 5 дона/м², кимёвий қарши қураш яйловда 15 дона/м² ни ташкил этганда уларга қарши қураш олиб борилади [205; 22-25-6.].

**И-БОВ. ТАДКИКОТ ЎТКАЗИЛГАН ЖОЙ ВА ИШ УСЛУБЛАРИ 2Л. Тадкикот
утказиш услублари**

Илмий тадқиқотларимизни 2005-2017 йилларда Кашкадарё, Сурхондарё, Самарканд, Жиззах, Сирдарё, Навоий, Бухоро, Тошкент, Фаргона, Андижон, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг чигирткалар тарқалган тоғолди, яйлов ва чул ҳудудларида ва УХДИТИнинг «Яйлов зарарқунандалари ва энтомопатоген микроорганизмларни урганиш» лабораториясида олиб борилди. Ўтказилган лаборатория ва дала тажрибаларида Республикамизда асосий зарар келтирувчи ва умумий чигирткаларнинг 60-70% дан купроғини ташкил этадиган марокаш-Z). *maroccanus*, воҳа (италия)-С. *italicus*, осие-/.. *migratoria*, **Кир** (Турон)-С. *turanicus* ва ҳаказо тўда ҳосил қилмайдиган (махаллий)чигирткаларнинг асосий зарарли турларига қарши янги усул ва воситаларни қўллаш асосида олиб борилди.

Чигирткаларнинг туҳум қўзачаларини турларини аниқлашда М.Е. Черняховский [22; 62-73-6.] услубий қўлланмаси, чигирткаларнинг сонини зичлигини ҳисоблаш, намуна тўплаш баҳор ва ёз ойларида чигирткалар қўп тарқалган майдонларда, анаънавий Цыпленков, [20; 270-6.], Гоппоров ва б., [210; 76-6.] усулидаги қуйидаги формула ёрдамида қўйдаланилди:

$$A \times 10000 \\ d = \frac{A \times 10000}{B \times V}$$

Бу ерда: Д- чигирткаларнинг 1 гектардаги уртача сони, дона;

А- учраган чигирткаларнинг умумий сони, дона;

Б- юрилган йўналишларнинг умумий узунлиги, м;

В- қўриш майдонининг кенглиги, м;

Чигирткалар турларини, ёшини аниқлашда Бей-Биенко, Мищенко [2; 447-6.]. Копанева, [9; 270-6.], Лачининский ва б., [14; 4-346-6.], аниқлагичлари ёрдамида аниқланилди. Қасалланган ва нобуд бўлган чигирткаларни йиғишда Я.Вейзер [25; 21-60-6.]

услубида ва улардан патоген микроорганизмларни ажратиб олиш А.А.Евлахова, О.И.Швецова [6; 98-6.] ҳамда уларнинг туркумини аниқлашда З.Э.Коваль [8; 260-6.], А.А.Евлахова, [7; 98-6.] услубларидан ва аниқдагичларидан фойдаланилди.

Касаллик кузгатувчи микроорганизмларни ажратиш усули куйидаги боскичларда олиб борилди.

а) Республиками? вилоятларининг чигирткалар таркалган худудлардан касаллик белгилари кузатилган жойлардан биологик намуналарни йиғиш.

б) Йиғиб олинган биологик намуналарни микробиологик тахлиллардан утказиш.

в) Касаллик кузгатувчи замбуруг ва бактерияларни ҳар хил озика мухитларда устириш ва улардан тоза намуналарни ажратиб олиш.

г) Ажратиб олинган замбуруг ва бактерия намуналарини тур туркумлари, авлодларини аниқлаш.

д) Ажратиб олинган намуналарнинг юкори патогенлиларини чигирткаларга нисбатан таъсирчанлик хусусиятларини баҳолаш.

Зарарли чигирткаларга қарши кимёвий ва микробиологик воситаларнинг биологик самарадорликларини аниқлаш буйича дала тажрибаларини Микронайр AU-8115 уга кам ҳажмли пуркаш (УМО)мосламасида ёрдамида гектарига 2 литр ҳисобида сарфлаб бажарилган бўлса, ОВХ-600 трактор пуркагичининг 200 л/га ишчи аралашмани сарфлаш оркали, К-45 осма моторли кул аппаратида эса 120 л/га ишчи аралашма ҳолда ишчи суюклик сарф-меъёрида Куллаш оркали тажрибалар олиб борилди.

Микробиологик биопрепаратларни зарарли организмларга таъсир этишида ҳаво ҳароратига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, барча биопрепаратларни лаборатория ва дала шароитларида ҳаво ҳароратлари улчаб борилди ва ҳаво ҳарорати уртача 28-32 °С ни ташкил этди. Ҳавонинг намлиги эса уртача 35-45%ни ташкил этди.

Тусик усулида ишлов олиб бориш буйича тажрибаларда махсус ГАЗ-469 автомашинасига урнатилган Микронайр AU-8115

ута кам хажмда пуркаш (УМО) мосламаси ёрдамида 50, 100 метрга кимёвий ишлов утказилиб, 50, 100, 200 ва 300 метр масофаларда кимёвий ишлов (препарат сепилмасдан) утказилмасдан тажрибалар олиб борилди.

Тоғолди, яйлов, чул ҳудудларида зарарли чигирткалар таркалган майдонларнинг, тажриба олиб борилган жойнинг ва кузатув майдонларининг координаталарини аниклаш учун GPS “GARMIN” навигацион тизимидан фойдаланилди.

Лаборатория тажрибаларида 2,3,4,5 ёш марокаш, воха (италия), осий ва тўда хосил килмайдиган зарарли чигиртка турларини махсус энтомологик буздан тайёрланган 50x50x70 см. ерга урнатилган уяча(садок)ларга уР^{тача} 30-40 тадан тирик чигирткалар солиниб, препаратларни сепишда 0,5 ёки 1,0 литрли махсус механик кул пуркагичларидан фойдаланилди.

Барча тажрибаларда энтомологик ҳисоб-китоблар препаратлар таъсир этиш механизми, хусусиятлари ва кулланилган усулларга караб 3, 24, 48, 72, 96 соатдан кейин, айрим тажрибаларда эса 1, 3, 5, 7, 10, 12, 15, 19,21,23 кунларда кейин мос равишда олиб борилди.

Лаборатория ва дала тажрибаларида зарарли чигирткаларга қарши кулланилган препаратларни биологик самарадорлигини аниклаш Курдюков ва б., [13; 17-18 б.] услубида ушбу формула ёрдамида ҳисобланилди:

$$\frac{A-B}{C - \text{-----} \times 100} \times 100$$

Бу ерда: С- биологик самарадорлик, %;

А-рамка ичида аникланган жами тирик ва улик чигирткалар сони, дона;

В- рамка ичида аникланган тирик чигирткалар сони, дона;

Препаратларнинг ҳужалик ва иктисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқариш учун Н.Р.Гончаров ва б., [4; 46-6.] яратган усулидан фойдаланилди. Диссертация иши буйича ўтказилган тажрибаларнинг натижалари К.А.Гар [3; 288-6.] ва Б.А.Доспехов [5;

432-6.] усули буйича дисперсион тахлил килинди. Ушбу усулга асосан олинган натижалар дисперсион тахлил килиниб; уртача фарки ($S \pm m$) ва энг кичик фарки - ЭКФ (НСР) УХ.КИТИ «Усимликларни химоя килишда ахборот технологияларни куллаш ва математик моделлаштириш» лабораторияси ходимлари томонидан тузилган компьютер дастури оркали аникланди (14- илова).

Шунингдек лаборатория ва далада ўтказилган тажрибалар жараёнида олинган . фотосуратлар ҳамда зарарли чигирткаларга қарши янги кулланилган инсектицидларнинг тулик тавсифномлари буйича маълумотлар 1-2-15-иловаларда батафсил баён этилган.

III- БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЧИГИРТКАЛАРНИНГ ТЎДА ХОСИЛ КИЛУВЧИ ВА ТЎДА ХОСИЛ КИЛМАЙДИГАН ЗАРАРЛИ ТУРЛАРИНИНГ МОНИТОРИНГИ

3.1. Тог ва тоғолди яйловларда учрайдиган тўда хосил киладиган (*phasis gregaria*) ва бошқа зарарли чигиртка турлари

Маълумки, Ўзбекистоннинг умумий майдонининг чул майдонлари 74,8% ни, тоғолди текисликлари 10,5% ва тоғлари эса 14,7% ни ташкил килади. Лйловлар майдони эса қарийиб 22,1 млн. га бўлиб, унинг асосий қисми чул, тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашган [261; 3-10-11-том.].

Тадқиқотимиздаги объектларнинг айрим турлари айнан чорва молларининг ҳайдаб боқиш учун мулжалланган ҳудудлар Республикаимизнинг тоғ ва тоғолди адирлик яйловларига тугри келади. Чунки бу ҳудудларда учрайдиган тупрок тузилиши, тўда Хосил килувчи ва бошқа тур чигирткаларнинг тухумларининг кишлаб чиқиши ва тухум кузачаларидан чиққан личинкаларнинг ривожланиши учун қулай маконлар ҳисобланади. Бу ҳудудларда учрайдиган чигирткаларнинг айрим зарарли турлари кишлоқ ҳужалик экинлари ва яйловларига ҳавфини юқорилигини инобатга олган ҳолда, уларнинг тур таркибини аниқлаш бўйича тадқиқотлар утказдик.

Кузатув тадқиқотларимизни 2009-2017 йиллар давомида Республикамизнинг Сурхондарё, 1[^]ашкадарё, Самарканд, Жиззах, Навоий, Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларининг денгиз сатҳидан 200 м. баландликдан юқори бўлган тоғ ва тоғолди адирлик яйлов ҳудудларида олиб борилди. Чигирткаларнинг турларини уР^{ганиш} бўйича ўтказилган тадқиқотларимиз натижасида ушбу ҳудудларда 34 та тур чигирткалар кам, уртача, куп ва ёппасига учраши қайд этилди (3.1-жадвал).

Бунда *Acrida oxycephala* Pall., *Dociostaurus maroccanus* Thunb., *D. kraussi* Ingen., *D.kraussi nigrogeniculatus* L., *D. tartarus* Stchelk., *Ramburiella turcomana* F.-W., *Aiolopus thalassinus* F., *Oedaleus decorus* Germ., *Sphingoderus carinatus* Sauss., *Calliptamus italicus* L.,

3.1-жадвал

**Тог ва тоғолди адирлик яйловларда учрайдиган тўда хосил
кнладиган ва бошка зарарли чигирткаларнинг тур-таркиби
(2009-2017 йй.).**

Чигиртка турлари	Тоғолди стацияларда таркалган чигирткалар	
	Топти худудлар	Тоғолди адирлик ййлов худудлари
1	2	3
<i>Acriditidae</i> оиласи		
1 <i>Acrida oxycephala</i> Pall.	+++	-н-+
2 <i>Euprepocnemis unicolor</i> Serg. Tarb.	++	++
3 <i>.Dociostaurus maroccanus</i> Thunb.	(т) +++	(т)+++
4. <i>D. kraussi</i> Ingen.	+++	*н-
5. <i>D. kraussi nigrogeniculatus</i> L.	+++	++
6. <i>D. tartarus</i> Stchelk.	+++	+
7 <i>.Duriella kalmyka</i> Ad.	++	++
8. <i>D. gracilis</i> Uv.	++	+++
9. <i>Ramburiella turcomana</i> F.-W.	+++	-н-
10 <i>Aiolopus oxianus</i> Uv.	++	++
11 <i>A. thalassinus</i> F.	+++	+++
<i>M.Oedaleus decorus</i> Germ.	+++	++
13.(9. <i>senegalensis</i> Kr.	++	+
<i>XA.Sphingonotus maculates</i> Uv.	++	++
15. <i>S.nebulosus</i> F.d.W.	++	+
16.5. <i>rubescens</i> Walk.	++	++
17.5. <i>satrapes</i> Sauss.	++	+
18. <i>Pyrgodera armata</i> F.d.W.	++	+
19. <i>Sphingoderus carinatus</i> Sauss.	++	+++
<i>Catantopidae</i> кенжа оиласи		
20. <i>Calliptamus italicus</i> L.	(т)+++	(т) +++
21. <i>C. turanicus</i> Tarb.	+++	+++
22. <i>C. barbarus</i> Costa.	+++	-н-+
23 <i>Anacridium aegipitium</i> L.	+++	++
24. <i>Tropidopola turanica</i> Uv.	++	++
25 <i>.Heteracris adspersus</i> Redt.	+++	+Ч-+
26. <i>H.littoralis</i> Br.-W.	+н-	++
<i>Pyrgomorphidae</i> оиласи		
27 <i>.Pyrgomorpha bispinosa deserti</i> B.-Bien. Serg.	+++	+++
<i>Oedipodinae</i> кенжа оиласи		
28. <i>Mioscirtus wagneri</i> Sauss.	++	++

3.1-жадвал Оавоми

1	2	3
29. <i>Acrotylus insubricus insubricus</i> Walk.	+++	+++
30. <i>Helioscirtus moseri</i> Sauss.	++	
31. <i>Leptopternis gracilis</i> Ev.	+	++
32. <i>L. iliensis</i> Uv.	+	+
<i>Pamphagidae</i> оиласи		
33. <i>Pezotmethis tartarus</i> Sauss.	++	+++
34. <i>Thrinchus desertus</i> B.-Bien.	+++	+

Изох 1: + - кам учраган; ++ - уртача учраган; +++ - куп таркалган; (т)+++ - ёппасига таркалган (тўда хосил киладиган) турлар.

C. turanicus Tarb., *C. barbarus* Costa., *Anacridium aegipitium* L., *H. littoralis* Br.-W., *Pyrgomorpha bispinosa deserti* B.-Bien. Serg., *Acrotylus insubricus insubricus* Walk., *Pezotmethis tartarus* Sauss., *Thrinchus desertus* B.-Bien., турлари тогли ва тоғолди адирлик яйловларида куп таркалган булса, шундан *Dociostaurus maroccanus* Thunb., ва *Calliptamus italicus* L. чигирткалари тўда хосил килувчи турлар хисобланиб улар ёппасига таркалганлиги аникланди.

Euprepocnemis unicolor Serg. Tarb., *Duroniella kalmyka* Ad., *D. gracilis* Uv., *Aiolopus oxianus* Uv., *O. senegalensis* Kr., *Sphingonotus maculatus* Uv., *S. nebulosus* F.d.W., *S. rubescens* Walk., *S. satrapes* Sauss., *Pyrgodera armata* F.d.W., *Tropidopola turanica* Uv., *Mioscirtus wagneri* Sauss., *Helioscirtus moseri* Sauss., *Leptopternis gracilis* Ev., *L. iliensis* Uv., турлари эса тогли ва тоғолди адирлик яйловларида кам ёки уртача учраши кайд этилди.

Бундан ташкари Республикаимизнинг ушбу тогли ва тоғолди адирлик яйловларида доимий равишда учрамайдиган чигиртка (редкее) турлари борки улар бизнинг кузатувларимизда учрамади.

Юкорида кайд этилган чигиртка турларидан тогли ва тоғолди адирлик яйловларидаги у^{симли} клар балки кишлок хужалик экинларига хавф тугдирувчи асосий доминант: *Dociostaurus maroccanus* Thunb., *Calliptamus italicus* L., *C. turanicus* Tarb., *C. barbarus* Costa., *D. kraussi* Ingen., *D. kraussi nigrogeniculatus* L., *Ramburiella turcomana* F.-W., *Oedaleus decorus* Germ., *Anacridium aegipitium* L., *Sphingoderus carinatus* Sauss., *Pyrgomorpha bispinosa*

deserti B.-Bien. Serg., турлардан хисобланиб, шундан айрим йиллари депрессия ҳолатида бўлган тўда ҳосил қилувчи марокаш ва италия чигирткаларининг популяцияси нисбатан қисқа вақт (2-3 йил) ичида узининг сон жиҳатидан миқдорини тиклаб олиш имкониятига эгадир. Шунинг учун бу тураги чигирткаларнинг ҳам миқдордаги тўдаси ҳам қелгусида ёппасига қупайиб, қишлоқ ҳужалиқ экинларига зарар етказиш ҳавфини тугдиради.

3.2. Чул ҳудудларда учрайдиган зарарли чигиртка турлари

Республикамизнинг қарийиб 74,8% чул майдонларини ташкил этиб.; албатта бу ҳудудлардаги табиий усувчи чорва молларининг озикаси ва қум қучишини, тупроқ эрозиясини олдини олувчи йирик бутали, ярим бутали усимликлар шунингдек, қуп йиллик углар усувчи (қияқдошлар)нинг асосий зарарқунандаларини урганиш ва уларга қарши қурашни ишлаб қиқиш бугунги қуннинг устувор вазиқлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Маълумқи собиқ иттиқок даврида саксовулзорлар пайқон қилиниб, саксовул буталари ёқилқи учун ишлатилиб қесилиб қетар эди. Бундай ҳолат айниқса Қашқадарё, Сурқондарё, Навоий, Бухоро, Қоразм, Қорақалпоғистонда қузатиқлар эди. Ҳ^{оз}рги қунга қелиб эса ҳуқуматимиз томонидан саксовул урмонлари давлат томонидан қенг муқофаза қилинмоқда.

Республиқамизда саксовулзорлар 1990 йилда 400 гектарни ташқил этган бўлса, ҳозирқи қунда 1800 гектарни ташқил қилади. Ҳозирқи қунгача қелиб саксовул ур^{монла}рида мавжуд бўлган зарарқунандалари бўйиқа тулиқ илмий изланишлар олиб қорилмаган. Саксовулнинг қемирувчи зарарқунандалари бўйиқа қисман қисман 1970 йилларда Қ^{изилқум} ва жанубий устюрт платоси ҳудудларида олиб қорилган [143; 23-6.], [203; 38-40-6.]. Вақоланқи бугунқи қунга қелиб 1980 йилларга нисбатан саксовул урмонзорларининг қарийиб турт баробарга қенгайганлиқини қузатишимиз мумқин.

Кейинги 25 йил ичида саксовул урмонларини барпо этилиши ҳукуматимиз қарорларига киритилган бўлиб, айниқса давлат объектлари бўлмиш нефт ва газ бўйича қурилган ва барпо бўлаётган заводлар атрофида кум эрозиясини бартараф этиш ва Марказий осийёда К^аорақум ва Кизилқум экофауна мувозанатини саклаб қолиш ҳозирги куннинг долазарб масалаларидан биридир.

Ушбу вазибаларни урганиш бўйича биз тадқиқотларимизни 2011- 2017 йиллар мобайнида Республикаимизнинг энг катта ҳудудини эгаллаган майдон Қорақалиогистон Республикасининг Нукус, Муйнок, Қуигирот, Кегейли, Чимбой, Тахтақупир, Туртқул, Эликкала туманларидаги қуп йиллик у^{тлн} (қиявдошлар) усимликлар усадиган ҳамда Бухоро, Навоий вилоятлари оралигидаги чуллар ҳамда жанубий вилоятларнинг Сурхон- Шеробод ва К^арши чулларининг ксерофил, галофил усимликлар усадиган бутали ва ярим бутали (саксовул, юлғун, шувокдошлар, эфемер) усимликлар у^{са}Диган қумли чул ҳудудларида олиб қорилди.

Ўтқазилган тадиқотларимизда Республикаимизининг чул ҳудудларида учрайдиган зарарли қигирткалар тур-таркиби урганилганда ушбу майдонларда 36 тур қигирткалар учраши ва улар қам, уртача, қуп ҳамда тўда бўлиб яшовчи тур қигирткалар ёппасига тарқалиши аниқланди (3.2-жадвалга қаранг).

Шундан *Tetrix tartara subacuta* B.-Bienko., *T. bolivari* Saulcy., *Chrotogonus turanicus* Kuthy., *Atrichotmethis semenovi* (Zub.), *Pezotmethis tartarus* (Sauss.), *Mioscirtus wagneri* Ev., *Sphingonotus elegans* Mistsh., *S.nebulosus* F.d.W., *S. satrapes* Sauss., *S. maculates* Uv., *Pseudosphingonotus savignyi* Sauss., *Eremippus simplex* Ev., *Chorthippus meridionalis* Mistsh. турлари ҳар икки ҳудудда қам ёки қайсидир бир тури иккинчи ҳудудда учрамаслиги қайд этилди.

Шунингдек *Pyrgomorpha bispinosa deserti* B.-Bien Serg., *Dericorys annulata roseipennis* Redt., *Dericorys albidula* Aud.-Serv., *D. tibialis* (Pall.), *Dociostaurus tartarus* Stchelk., *Calliptamus italicus* L., *C. barbarus* Costa., *Heteracris adspersas* Redt., *H. littoralis* Ramb., *Locusta microtoria* L., *Oxya fuscovittata* Marsch., *Acrida oxycephala*

Pall., *Duroniella gracilis* Uv., *Aiolopus thalassinus* F., *A. oxianus* Uv., *Hilethera turanica* Uv., *Oedipoda miniata* Pall., *Acrotylus insubricus* Scop., *S. rubescens* Walk., *Sphingoderus carinatus* Sauss., *Helioscirtus moseri* Sauss., *Leptoternis gracilis* Ev., *Notostaurus albicornis* Ev. турлари куп ёки тўда булиб яшовчилари эса ёппасига таркалганлиги аникланди.

3.2-жадвал

Республикаимизнинг чул ҳудудларида учрайдиган зарарли

чигирткалар тур-таркиби (2011-2017 йй.)

Чигиртка турлари	Чул стацияларда таркалган чигирткалар	
	Бутали ва ярим бутали кумли чул ҳудуди	Куп йиллик утли ҳудуд (киякдошлар)
1	2	3
<i>Tetrigidae</i> оиласи		
1. <i>Tetrix tartara subacuta</i> B.-Bienko.		++
2. <i>T. bolivari</i> Saulcy.		++
<i>Pyrgomorphidae</i> оиласи		
3. <i>Chrotogonus turanicus</i> Kuthy.		++
4. <i>Pyrgomorpha bispinosa deserti</i> B.- Bien Serg.	++	+++
<i>Pamphagidae</i> оиласи		
5. <i>Atrichotmethis semenovi</i> (Zub.)	++	
6. <i>Pezotmethis tartarus</i> (Sauss)	++	
<i>Acrididae</i> оиласи		
7. <i>Dericorys annulata roseipennis</i> Redt.	-H-	-H-+
8. <i>Dericorys albidula</i> Aud.-Serv.	+++	+
9. <i>D. tibialis</i> (Pall.)	+++	++
10. <i>Dociostaurus tartarus</i> Stchelk.	-H-+	++
11. <i>Calliptamus italicus</i> L.	++	(т) +++
12. <i>C. barbarus</i> Costa.	+++	+++
13. <i>Heteracris adspersa</i> Redt.	++	+++
14. <i>H. littoralis</i> Ramb.	++	+++
15. <i>Locusta microtoria</i> L.		(т)+++
16. <i>Oxya fuscovittata</i> Marsch.		+H-
17. <i>Acrida oxycephala</i> Pall.	++	+++
18. <i>Duroniella gracilis</i> Uv.	++	+++
19. <i>Aiolopus thalassinus</i> F.		-H-+
20. <i>A. oxianus</i> Uv.	+	+++
21. <i>Hilethera turanica</i> Uv.	++	+++
22. <i>Mioscirtus wagneri</i> Ev.	+	++

3.2-жадвал давоми

1	2	3
23. <i>Oedipoda miniata</i> Pall.	+++	
24. <i>Acrotylus insubricus</i> Scop.	++	+++
25. <i>Sphingonotus elegans</i> Mistsh.	-H-	+
26. <i>S. nebulosus</i> F.d.W.	++	
27. <i>S. satrapes</i> Sauss.	++	
28. <i>S. rubescens</i> Walk.	+H-	++
29. <i>S. maculatus</i> Uv.	++	
30. <i>Pseudosphingonotus savignyi</i> Sauss.	++	
31. <i>Sphingoderus carinatus</i> Sauss.	+++	+++
32. <i>Helioscirtus moseri</i> Sauss.	+++	
33. <i>Leptoternis gracilis</i> Ev.	+++	
34. <i>Notostaurus albicornis</i> Ev.	+++	
35. <i>Eremippus simplex</i> Ev.	++	
36. <i>Chorthippus meridionalis</i> Mistsh.	++	

Изох 2: + - кам учраган; ++ - уртача учраган; +++ - куп таркалган; (т)+++ - ёппасига таркалган (тўда ҳосил киладиган) турлар.


Юқорида кайд этилган тўда булиб яшовчи *Calliptamus italicus* L.-италия (воха) ва *Locusta microtoria* L.-осиё чигирткалари барча яшил усимликлар жумладан кишлок хужалик экинлари билан ҳам озикланиб зарар келтирса, *Dericorys albidula* Aud.-Serv., *D. tibialis* (Pall.), катта ва кичик саксовул букур чигирткалари озикланиши чегараланган тур хисобланади, яъни (олигофаг) бир оилага мансуб булган ок ва кора саксовул йирик бутасимон усимликлари билан озикланади. Бу турдаги чигирткалар факат бутасимон усимликлар билан озикланади, шунинг учун ҳам унинг номи саксовул чигирткаси деб аталади ва бошқа ҳар қандай усимликлар билан умуман озикланмаслиги ўтказилган тадқиқотларимизда аникланди.

Кейинги йилларда бу турдаги саксовул букур чигирткаларнинг йирик бутасимон усимликлардан саксовул усимлигига жиддий зарар келтираётганлиги кузатилмовда. Хусусан Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги, Каттакум худуди, Кашкадарё вилоятининг, Нишон туманидаги Шуртангазкимё худуди, Миршикор туманидаги Махтумкули, Косон туманидаги Кунгиртов худуди, Навоий вилоятининг Нурота туманидаги Наслчилик худуди, Қорақалпоғистон Республикасининг Туртқул, Эликкала туманларидаги худудлар ва Бухоро вилоятининг Қорақул ва Олот

туманларидаги ҳудудларда саксовулга жиддий зарар келтириши кайд этилди (3.1-расмга қаранг).

Бу турдаги чигирткаларга қарши Республикамизда факат Бухоро вилоятида кураш тадбирлари олиб борилади, бошқа вилоятларда эса қарши кураш ишларига аҳамият қаратилмайди. Вахоланки Бухоро вилоятида Республикамиздаги мавжуд саксовулзорларнинг 30% ни ташкил этади.

Йиллар давомида саксовулзорда учрайдиган ва факат шу турдаги усимликлар билан озикланувчи букур чигирткаларига қарши кураш уз вақтида олиб борилмаса, йирик бутасимон чул усимлиги хйсобланган саксовулнинг бутунлай куриб қолишига олиб келади.



3.1-расм. Сурхондарё вилояти, Термиз туманидаги Каттакум ҳудуди, 2015 й.

Бундан ташқари юқорида кайд этилган чул ҳудудларда куп учрайдиган *Dociostaurus tartarus* Stcheln., *C. barbarus* Costa., *Heteracris adspersas* Redt., *Oedipoda miniata* Pall., каби тўда ҳосил қилмайдиган чигирткаларининг ҳам чул ҳудудларида мавжуд усимликлар билан бир каторда бошқа кишлок хужалик экинларига зарар келтириши ҳам йил сайин ортиб бораётганлиги кузатилмокда.

3.3. Кишлоқ хужалик экинлари атрофида учрайдиган тўда ҳосил қилмайдиган (*ph. solitaria*) чигирткалар тур-таркиби

Тарқалиши. Кичик Осиё ва Болкон ярим оролида, Эрон, Туркия, Фаластин, Ўзбекистон, Козогистон, Туркменистон давлатлари худудида, Россиянинг Урта ва Куй и Волга буйида, Шаркий Кавказда, Кавказ орти республикаларида борлиги аниқланган. Республикамизнинг тоғ ва тоғли худудларида, денгиз сатҳидан 500-2500 метр баландликларда кенг тарқалган.

Етук зотининг морфологик белгилари: Эркагининг танаси 22-30 мм, ургочисиники эса 30-40 мм келади. Вояга етган чигирткаларнинг ранги кунгир-сарғиш тусда, канот устликлари қорамтир доғлар билан қопланган, кейинги канотлари ойнасимон тиник, учлари эса салгина қорамтир бўлади. Бошининг ва орқасининг олди қисми бўйлаб то канот устликларигача оч кунгир — сарик йул утади. Чигиртка ҳаракатланмай тинч турганида канот устликларини қоринчаси бўйига йиғиштириб олади ва улар бутун тананинг устини қоплаб туради (3.14-расмга қараңг).

Вояга етган чигиртка орқасининг олди қисмида крестсимон жойлашган иккита оч рангли чизик бор, бу чизикларни тугри чизик қесиби утади ва “Ж” ҳарфига ухшаб туради. Орқа оёқ сонларида учта қорамтир доғ бор. Эркагининг тиззалари қора, ургочисиники анча очроқ рангда. Кейинги болдирлари қуқиш сарик тусда бўлиб, тубида қорамтир халқаси бор.

Личинкасининг морфологик белгилари: Личинкалари Қорамтир. Эңасидан то қоринчасининг учигача равшан қуриниб турадиган оч рангли чизик $u^{1a}D^{1a}$ - Личинкаларнинг биринчи ёшида муйловчалари 12 - 15 бугимли, танасининг узунлиги 6-8 мм; иккинчи ёшда 16 - 17 бугимли, танасининг узунлиги 9 - 12 мм; учинчи ёшда 18 — 20 бугимли, танасининг узунлиги 11 — 15,5 мм бўлади. Туртинчи ёшга қирган личинкаларнинг муйловлари 21-22 бугимли бўлиб, эркакларининг узунлиги 14 — 17,5 мм га ва ургочилариники 16-20 мм га етади, бешинчи ёшдаги

личинкаларнинг муйловлари 24 бугимли, эркакларининг узунлиги 18-23 мм ва ургочилариники 21 - 27 мм булади. Личинкаларнинг боши чузик, конус шаклида.

Кузачасининг морфологик белгилари: Кузачаларининг буйи

18- 25 мм, эни 8 мм га якин. Уларнинг деворчалари калин, купинча илдизча ва майда тош аралашган булади. Кузачалари бир хонали булиб. усти копкокча билан ёпилади. Кузачага 16-25 та, купинча эса 22 - 24 та тухум жойланади, устки кисми (копкокчанинг таги) чигиртканинг котиб колган купиксимон чикиндиси билан бекитилади, Кузачага тухумлар тартибсиз жойланади, бир - бирларига ва кузача деворига ёпишиб турмайди.



3.14- расм.
Туркман
чигирткасининг

Хаёт **кечириши.** Туркман чигирткеси курук чала сахро ёки чуллардаги тог этакларида яшашни яхши куради. Тухумларини курик ерларга ва курик — буз ерларга ҳамда тупроги зичлашиб колган уватларга куяди. 1 м² ерда купи билан 20 та, аксарият холларда эса бундан хам кам кузача булади. Баъзи бир кичкина майдонлардаги 1 м ерда 200 гача кузача булиши мумкин.

Туркман чигирткеси якка холда яшайди ва асосан отбосар чигирткеси сингари хаёт кечиради. Бу чигиртка хаммахур, усаётган яшил усимликлар, купинча галласимон утлар билан озикланади; бугдой ва арпанинг баргларини хамда бошокларини ейди, баъзан пояларни кемиради. Усимликларнинг куриб колган кисмларини емайди. Личинкалари тухумдан чиккан кунининг узидаёк озиклана бошлайди.

Сурхондарё, Кашкадарё вилоятларининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида апрел ойининг бошларида тухум кузачалардан чикса, Тиён-Шан, Чоткол, Писком, Зарафшон, Туркистон тоғ тизмалари этаклари ва баландликларида чигирткаларнинг тухумдан чиқиш даври апрел ойининг охирларига тугри келади. Навоий ва Жиззах вилоятлари тоғолди ҳудудларида эса апрел ойининг урталарига тугри келади. Фарғона водийсида, Қирғизистон билан чегарадош тоғ ва тоғолди ҳудудларда ҳам бу турдаги чигирткаларни учратиш мумкин.

Умуман Туркман чигирткаси Ўзбекистонда отбосар ва мароқаш чигирткаларидан сунг, жанубда апрел ойининг бошларида тухум кузачаларидан чиқади. Мароқаш ва отбосар чигирткаларидан фарқли уларок уларнинг тухум кузачалардан чиқиш вақти тухум қуйилган ернинг рельефига жуда боғлиқ. ҚУРУК тупроқли ерда ва тоғ бағриларида эса тошли шағал ерларга ҳам узининг тухум кузачаларини қуйиб кетади. Шу сабабли тухум кузачалардан личинкаларнинг чиқиш даври бир пайтда кузатилмайди.

Тухумдан чиққан личинкалари урта ҳисоб билан 37 кунда вояга етади. Табиий нобуд бўлиш даври сентябр ойида кузатилади. Личинкаларнинг 50 фоизи канот чиқарган вақтда тухумдан чиққан пайтларидагидан 10 - 12 баровар кенг майдонни эгаллайди. Личинкалари майнинг биринчи ярмида канот чиқара бошлайди ва бу май охири - июн бошигача давом этади. Май охири-июн бошида кузача қуйишга киришади. Канот чиқаргандан кейин ярим ой утгач жуфтлашади ва орадан бир ҳафта утгач тухум қуя бошлайди. Канот чиқарган туркман чигирткаси тухум қуйишгача баъзан лалми ерлардан сугориладиган ерларга ҳам учиб утади.

Зарари. Туркман чигирткаси бошқа чигирткаларга нисбатан анча йирик. Бу турдаги чигирткалар экинларнинг доимий зараркунандаси ҳисобланмайди. Севикли озикаси бошокли экинлар ҳисобланади. Баъзи йиллардагина баҳорги бугдой, арпа, кунжут, кунгабоқар ва бошқа экинларни ҳам зарарлаши мумкин.

**Катта саксовул букур чигирткаси -*Dericorys albidula* Aud.-
Serv.**

Таркалиши. Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Афғонистон, Эрон, Шимолий Американинг ку мл и сахро ва чулларида учрайди. Республикамизда мавжуд булган саксовулзорларнинг барчасида учратиш мумкин. Энг катта тарихий учоклари Шимолда Ко раку м ва Кизилкум (Коракалиогистон, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари) оралигидаги саксовулзорларда кенг таркалган. Жанубий вилоятларнинг Сурхон-Щеробод ва Қарши чулларида мавжуд булган саксовулзорларда ҳам таркалган.

Етук зотининг морфологик белгилари: Ургочисининг узунлиги 50 — 52 мм, эркагиники 48-50 мм, ургочисининг канотустлиги узунлиги 52 - 56 мм, эркагиники 50 - 53 мм келади. Танаси кулга ухшаш буз рангда, канотусти корамтир доғлар ҳамда тугри ва кундаланг томирчалари билан копланган, тугри томирчалари корамтир тусда, кундаланг томирчалари эса оч рангли булади. Муйловлари ипсимон, сарик тусда. Кейинги болдирларининг ички томони кукимтир, учлари кизил, тиканлари кизил булиб, учлари кора ва тублари ок. Орка оёк сонларида 3 та кукиш кора доғ бор.

Елкасининг олди томонида баланд, ёйсимон кирра (букур) ва 3 та эгатча бор, бу эгатчаларнинг биринчи иккитаси биқинларидагина кузга ташланиб туради, учинчиси чукур булади. Кукраги олдининг пастки томонида пихсимон дунгча жойлашган (3.15-расм).

Тухум кузачаларини саксовулзорларда чорва моллари юрган нисбатан каттик ерларга қуйиб кетади. Кузачаси пишиқ деворли булиб, қуриниши жуда чузиқ, салгина буқиқ, пастки қисми биров йугонлашган. Кузачанинг узунлиги 41 - 45 мм, ичида 18 -28 та тухум булади. Тухум деярли чизинчок узунлиги 6,8 - 7,5 мм, ранги ним пушти ёки сарғиш тусда булади.

Хаёт кечириши. Саксовул букур чигирткаси саксовул ва жузгун усадиган қумларда, барханли ҳудудларда мавжуд булган

буток бошли усимликлар тагида яшайди. Личинкалари май ойининг бошларида тухумдан чикиб, июн ойининг бошида эса канот чикаради. Вояга етган чигирткалар июн ойининг охирларига бориб урчийди. Июннинг иккинчи ярмида тухум куя бошлайди. Тухум кузачалардан чиккан чигиртка личинкалари пуст ташлаб, тезда саксовул новдаларига чикиб олади. Личинкалар вояга етгунга Кадар саксовул барги ва юмшок ёш нихол новдалари билан озикланади, саксовул ва жузгун шохларида жуда тез урнашиб канот ёзгунча бутоклардан пастга тушмайди.



3.15- расм. Катта саксовул букур чигирткасининг етук зоти.

Зарари. Катта саксовул букур чигирткаси узининг доимий яшаб турган жойларида кучма кумларни тусиб турувчи саксовул ва жузгун (*Calligonum*) буталарини зарарлайди. Бу турдаги чигиртка факатги На саксовул билан озикланади, кишлок хужалик экинлари билан озикланмайди. Аммо, ёппасига купайган йилларда қарши кураш олиб борилмаса бир неча минг гектар майдондаги саксовул дарахтларини шикастлаб, охир окибатда уларнинг куриб қолишига олиб келади.

Отбосар чигирткаси -*Doclostaurus kraussi nigrogeniculatus*


Tarb.

Таркалиши. Отбосар чигирткаси Марказий Осиё ҳамда Козогистон тоғ этаклари ва курук чулларида, Афғонистон ва Эроннинг шимолий минтакаларида учрайди. Республикамизда аксарият марокаш чигирткаси мавжуд булган тарихий учокларда кенг тарқалган. Шу сабабли Ўзбекистонда мавжуд булган барча тоғ

ва тоғолди худудларида денгиз сатхидан 350-2800 метр баландлик оралигидаги яйловларда учратиш мумкин.

Етук зотининг морфологик белгилари: Ургочисининг узунлиги 23 — 30 мм, эркагиники 16 — 20 мм келади; ранги кунгир ёки тук; кул ранг тусда, кузга яққол куринмайдиган корамтир доғлар билан копланган булади. Ургочисининг кейинги болдирлари кизил, эркагиники-сарик, орка сонлари йугон, усти кора доғлар билан копланган. Елкасининг олд кисмида худди марокаш чигирткасиники каби “Х” харфига ухшаш очик рангли накши бор, бу накшнинг кейинги чизиклари олдинги томонга караб кенгайган ва орка томонга караб, учбурчак шаклда торайган булади (3.16-расмга қаранг).

Танаси марокаш чигирткасиникига нисбатан йугонрок. Эркагининг . канотлари коринчасидан салгина узунрок, ургочисиники калтарок булади. Ургочи отбосар чигирткаси уз хаёти давомида 2-3 тагача тухум кузача куяди. Кузачаси цилиндр шаклда булиб, узунлиги 15—30 мм, баъзан салгина букилган, купинча эса тугри булади; асосан отбосар ва марокаш чигирткасининг кузачаларига ухшайди. Кузачасининг девори пишик булиб, устки кисми зич тупрок копкокча билан бекитилган булади. Кузача ичида тухумлар билан копкокча уртасида купиксимон модда булмайди, яъни тухумларининг усти бушликдан иборат. Кузача деворчасининг ички томони жигар рангли пишик парда билан копланган. Битта кузачада 5-20 тагача тухум куяди:



3.16-пасм. Отбосар чигирткасининг етук зоти.

Тухуми салгина букилган чузинчок шаклда, ранги оч сарик, узунлиги 0,5 см гача булади. Тухумлари елимсимон модда билан бир — бирига ёпишиб турмайди. Уларни кузачадан бемалол кокиб тушириш мумкин.

Личинкалари ёшлигида оч жигар ранг ёки тук кулранг тусда булиб, усган сари оқара боради. Личинкаларининг танасида, етук чигирткаларнинг танасидаги каби салгина кузга ташланиб турадиган корамтир ва оч рангли нукталардан иборат накш бор. Личинкалар икки ёшга кириши билан оркасининг олд қисмида Х харфига ухшаш накш борлиги анча равшан қуришиб туради, бу накшнинг кейинги ярмиси уч бурчакли доғлар билан қопланган булади ва личинкалар 3-ёшга қирганда бу накш кузга яққол ташланиб туради. Отбосар чигирткасининг эркак личинкалари 4 ёшни, ургочилари эса, 5 ёшни кечиради. Ана шу сабабли вояга етган ургочи чигирткаларнинг танаси эркакларига нисбатан анча катта булади. Личинкаларнинг қанот бошланғичлари 2 ёшда булишиб, 3 ёшда равшан қуришиб туради ва 4 ёшга қирганда юқорига қараб усади. Кичик ёшдаги чигирткаларнинг сони 1м² майдонда 30-50 тадан ортимайди.

Хаёт **кечириши**. Отбосар чигирткаси тухумларини асосан лалми ҳудудларда, тоғ этакларида усадиган мавсумий ва бир йиллик усимликлар усадиган жойларга қуяди. Отбосар чигирткаси Хар квадрат метрга қупи билан 20 та, айрим йилларда 100 тача кузача қуяди. Отбосар чигирткаларининг личинкалари март ойининг охирида, апрелнинг биринчи декадаси, яъни мароқаш чигирткасидан 8-10 кун илгари тухумдан чиқади. Личинкаларининг тухум кузачаларидан чиқиш давлари 3-5 кундан ошмайди. Тоғолди яйлов ҳудудларининг денгиз сатҳидан 300 метрдан ошмаган дунгликларда эса тухум кузачаларидан чиқиш даври баланд тоғли ҳудудларга нисбатан 10-15 олдин қузатилади.

Отбосар чигирткаси аксарият яққа ҳолда яшайди, уларнинг сони ортиб кетган сари улар ғалаларни ташкил қилади. Хар қайси личинка алоҳида-алоҳида озикланади. Личинкалари номуайян, тугри келган томонга қараб ҳаракатланади. Айрим ҳолларда

марокаш чигирткаси, отбосар чигирткаси билан бир жойда тухумдан чикса, унинг личинкалари отбосар чигиртка-сининг тартибсиз ҳаракат килувчи личинкаларидан ажралиб, алоҳида тўдаларга тупланади. Аммо, узок масофага таркалиб кетмайди. Отбосар чигирткаси куплаб урчиган йиллардагина тўдалашиб ҳаракат килади ва яйлов экинларига катта зарар етказади.

Эркак личинкаларнинг ривожланиш даври 20 - 25 кун ургочилариники эса 30 кунгача давом этади. Отбосар чигирткасининг личинкалари апрел ойининг иккинчи ярмида канот чякара бошлайди ва бу 10-15 кунга чузилади лекин, марокаш чигирткасига нисбатан эртарок канот чиказади.

Етук зотли чигиртка канот чикаргандан сунг (10-12 кундан сунг) май ойининг урталарига келиб тухум куя бошлайди. Отбосар чигирткаси ёппасига купайган йилларда канот чикариб эгаллайдиган майдони кенгаяди, шу сабабли уларга қарши кураш чора-тадбирларни ҳашаротларнинг личинкалик даврида олиб бориш лозим.

Зарари. Отбосар чигирткаси тўда ҳосил килиб марокаш чигирткаси сингари учмайди ва тўда ҳосил килмайди. Аммо, ёппасига купайган йиллари турли хил кишлок ҳужалик экинларига зарар етказади. Отбосар чигирткаси асосан пиёз-арпали ва бир йиллик ут усимликлар ҳамда шувокли-карракли ассоциациялар таркалган усимликлар билан озикланади. Бу турдаги чигирткалар бошокли бегона усимликларни хуш куради. Шу сабабли ёппасига купайган йилларда бошокли дон экинларига жиддий зарар келтиради.

Нукгали (фовелоата)чигиртка(қобилка)- *Ramburiella fovelata* Tarb.

Таркалиши. Бу турдаги чигиртка (қобилка) куринишидан жуда ҳам туркман чигирткасига ухшайди.

Республикамизда асосан тоғли ва тоғолди атрофидаги баландликлар ёкасида хусусан: Каржантау-Пском, Чоткол-Курама, Нурота-Актов, Туркистон, Зарафшон, Х,исор, Бойсун-Кухитонг, Боботог ён бағриларидаги бир ва куп йиллик усимликлар усадиган

жойларда кенг таркалган. Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудларидаги Устюрт текислигида ҳам учратиш мумкин. Республикамизда бу турдаги чигирткаларнинг личинкалари тухумдан эрта чикувчи чигирткалар каторига киради (3.17-расмга қаранг).

Ўзбекистоннинг жанубидаги тоғли ҳудудларда март ойининг охирларида тухумдан чиқа бошлайди, марказий ва шимолий тоғли қисмларида эса апрел ойининг урталарида тухумдан чиқади. Канот чиқариб ўча бошлаш даври апрел ойининг охирларига, тухум қуйиш даври эса май ойининг урталарига туғри келади.



3.17-расм.
Фовелата
чигирткасининг
етук зоти

Қўпғина адабиётларда бу турдаги чигирткаларни безарар деб аташади аммо, олиб борган тадқиқотларимизда кейинги йилларда Республикамизда иқлимнинг кескин ўзгариши сабабли бу турдаги чигирткалар сезиларли даражада қўпайиб айрим ҳолларда яйлов экинларига ҳам сезиларли зарар келтириши аниқланди.

Қора хошияли чигиртка-*Oedaleus decorus Germ.*

Тарқалиши: Бу турдаги чигиртка Евро-Осиёнинг чул қисмидан бошлаб, ғарбий Сибир ўлкасидан Қозоғистон ва Марказий Осиё давлатларининг тоғ олди ҳудудларида ҳамда тошлок ва шагалли ҳудудларда ўсадиган мавсумий ёки бир йиллик ўсимликлар ўсадиган майдонларда кенг тарқалган.

Ўтук зотининг морфологик белгилари: К^оР^а хошияли чигиртка танаси анча йирик ранги эса яшил-жигар ранг тусда бўлиб оёқларида қорамтир доғлари бор. Танасининг узунлиги: 18,0-31,0 мм ни ташкил қилади. Бош қисмининг тепасида “Х” шаклидаги белгиси мавжуд. Канот ўсти ва канотининг ички қисмида қора хошияси мавжуд.

Х,аёт кечириши. К^ора хошияли чигиртканинг тухум кузачаларидан чикиши бу турдаги чигирткаларнинг тухум кузачаси каерга ва қачон куйилганлигига боглик. Аксарият тухумдан личинкаларнинг чикиш даври апрел ойининг охирларидан май ойининг урталаригача давом этади. Тухумдан чикиш даври бир ойгача давом этади. К^анот чикариш даври эса июн ойида кузатилади (3.18-расмга қаранг).



**3.18-расм.
Кора хошияли
чигиртканинг
етук зоти**

Канот чикарган чигирткалар даврида кора хошияли чигирткаларнинг катта ёшдаги личинкаларини ҳам учратиш мумкин. Личинкалик даврини утаб булгандан сунг, секин аста нисбатан баланд тоғ ва тоғолди худудлардан пастликларга яъни дара ва водийларга тушиб, у ерда мавжуд булган аксарият ёввойи бошокли усимликлар билан озикланади.

Зарари. Табиатда бу турдаги чигиртка аксарият ёввойи бошокли экинларнинг барглари билан озикланишни хуш куради. Айрим ҳолларда бу турдаги чигирткаларнинг сони ортиб кетса ёки ута кургокчилик даврларда озиканинг ута камлиги сабабли улар воҳаларда экиладиган кишлок хужалик экинлардан асосий булган бошокли дон экинларига: бугдой, арпа, сули ва полиз экинларига катта зарар келтириши кузатилди.

Чипор чигиртка-*Heteracris adpersus* Redt.

Таркалиши: Бу чигиртка тури Республикаимизнинг барча шурланган текисликларида айрим холларда эса денгиз сатхидан 800 м баландликларда ҳам учратиш мумкин.

Бу чигиртка тури аксарият шурланган кумли жойлардаги адир ва дунгликларда, арик, куриб қолган зовур бўйларида ҳамда ташландик шурланган ерларда усадиган шура, янтоқ, юлгун ва бошқа қуп йиллик усимликлар билан озикланади (3.19-расмга Қаранг).



**3.19-расм.
Чипор
чигиртка-
сининг етук
зотлари**

Кейинги йилларда бу турдаги чигирткаларнинг Қорақалпоғистон республикасининг Муйноқ, Қунғирот, Кегейли ва бошқа туманларида ёппасига қупяётганлиги қузатилмоқда. Чипор чигиртка май ойининг охири июн ойининг бошларида тухумдан чиқади. Қанот ёзиш даври эса июл ойидан то август ойигача давом этади. Июл ойида етук зотдаги қанот чиқарган чигирткалардан ташқари чигиртканинг 3-4 ва 5 ёшдаги личинкаларини ҳам учратиш мумкин. Чипор чигирткаларнинг личинкалик ривожланиш даври бир вақтда қечмайди. Шунинг учун ҳам уларнинг личинкалик даврида ҳар хил ёшдаги чигирткаларни учратиш мумкин.

Етук зотли чипор чигиртканинг ранги асосан унинг тарқалган майдондаги усимлик ва ташқи муҳитга ҳам боғлиқ, қупинча уларнинг ранги яшил сомон рангга эга. Табиий нобуд бўлиши октябр ойида қузатилади.


Озикланиши. Личинкалик даврида асосан шуралар оиласига қирувчи бир нечта турдаги усимликлар ва янтоқ билан озикланади.

Айрим холларда гуза ва бошка кишлок хужалик экинларининг барг ва пояларини шикастлаб зарар келтиради.

Миср чигирткаси- *Anacridium aegyptium* L.

Таркалиши. Миср чигирткаси республикамизнинг деярли ҳамма худудларида кенг таркалган. Бу турдаги чигирткани денгиз сатхидан 1000 м баландликгача булган тоғолди ва дараларда ҳам учратиш мумкин.

Сугориладиган ерларда узумзорларда, бог ва полиз экинлар • атрофида, катта ва кичик шаҳарларда мавжуд булган парклар ва хиёбонларда дарахтлар ковакларида кишлаб қолади. Чул худудларида миср чигирткасининг таркалиш сони жихатдан жуда оз, воҳаларда эса ҳар бир дарахт ва усимликларда 2-3 донани ташкил қилади. Бу турдаги чигиртка табиатда ок шура, янтоқ, шура ва бошка усимликларнинг барги билан озикланади (3.20-расмга қаранг).



3.20- расм.
Миср
чигирткасининг

Миср чигирткасининг экинларга, дарахт барглари ва ниҳолларига зарари сезиларли. Бу турдаги чигиртка бог ва шаҳар хиёбонларидаги меваги дарахтларда: олма, гилос, урик, анор, тут дарахтларининг барглари билан озикланади, шунингдек гуза ва беда барглари билан ҳам озикланади.

Таърифи. Бу турдаги чигиртка етук зотли даврида кемирувчилар ташлаб кетган говакларда, дарахтларнинг ёрик ва тагидаги илдизлари очилиб қолган ковакларда ва шаҳарларда эса турли хил омборларда, биноларда, девор ёриқлари, деразаларнинг ром оралигидаги туйниқларда кишлаб қолади

Республикамизнинг

чул худудларида ок ва кора саксовуллар ва шуралар усадиган майдонларда хам учрайди. Тиним даврида эса кам хдракатчан. Кишловдан март ойининг охири, апрел ойининг бошларида чикади ва дархол урчий бошлайди. Тухум кузачаларини апрел ойининг охир-ларида қувд^н- Кишловдан чикган етук зотли миср чигирткаси июл ойигача яшайди ва секин аста табиий нобуд була бошлайди. Личинкалари эса июл-август ойларигача усимликлар билан озикланиб булгандан сунг яна кишловга кетади. Орадан яна 200 кун утгандан сунг яна урчиб насл колдиради.

**IV-БОБ. ЗАРАРЛИ ЧИГИРТКАЛАРГА ҚАРШИ МИКРОБИОЛОГИК
ИНСЕКТИЦИДЛАРНИНГ ИМКОНияТЛАРИ 4Л. Зарарли
чигирткалар энтомопатоген микроорганизмлари ва уларнинг
табиатдаги урни**

Маълумки, ҳдмма ҳдшаротлар сингари табиатда чигирткаларнинг сони ва микдорини табиий камайтирувчи омиллардан. бири бу касаллик кузгатувчи микроорганизмлардир. Табитдан уларни излаб тониш, патогенлик хусусияти юкори булган махаллий бактерия, замбуруг намуналарини туплаш, улар орасидан тоза штаммларини ажратиб олиш ҳамда келгусида зарарли чигирткаларга қарши курашда атроф-мухитга хавфсиз булган микробиологик препаратлардан фойдаланишга имконият яратиш хозирда шу соха илм фанининг ҳамда тадкикотимизнинг ҳам мухим вазифасидир.

Республикамизда хозирги кунгача чигирткаларга қарши ихтисослашган микробиологик воситалар илмий асосланган холда ишлаб чикилмаган. Иклим шароити билан айрим мамлакатлардан фаркланувчи Ўзбекистоннинг барча минтакаларида бу йуналишда илмий изланишлар олиб бориш ва ижобий натижаларга эришиш мухим назарий ва амалий ахамиятга эга. Чунки чигирткаларнинг кескин купайиб кетишини чегаралаб турган табиий омиллар орасида касаллик кузгатувчи микроорганизмларнинг узига хос ахамияти мухим хисобланади. Касаллик кузгатувчи микроорганизмлар табиатда барча турдаги зарарли хашаротлар ичида тез-тез учраб, айрим йилларда уларни ёппасига кирилиб кетишига сабаб булади. Шу сабабли улардан биологик восита сифатида фойдаланиш истикболли йуналиш хисобланиб, купгина хорижий олимлар таъкидлаган ва уз тажрибаларида исботлаган [76; 285-6.], [74; 28-6.], [144; 23-6.], [224; 155-157-6.], [71; 139-141-6.], [71; 139-141-6.], [292; 61-65-6.], [221; 22-6.].

Микробиологик кураш воситалари кимёвий кураш усулига нисбатан бир катор афзалликларга эга булиб, иссикконли хайвонлар


ва инсонларга токсик таъсири камлиги, атроф-муҳитга хавфсизлиги, фойдали ҳашаротларга эса беэҳтиёлиги, зараркунандаларда касаллик Кузгатувчи майдонлар (эпизоотия)ни пайдо қилиши билан аҳамиятлидир. Табиатда чигирткаларнинг оммавий нобуд бўлиши учрасада, аммо қандай сабабларга қўра содир бўлиши бўйича маълумотлар бизда бу йўналишда тадқиқотлар қўла урганмаган. Зарарли чигирткаларга қарши микробиологик усул билан қўрашда, биопрепаратнинг самараси, унинг биологик активлиги унинг асосидаги микроорганизм қўрига, ҳаво ҳароратиға ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади (157; 18-6.).

Ҳозирги қўнда микробиологик усулда зарарли чигирткаларга қарши қўрашиш Л Kill, Австралия, Ҳитой, Россия ва бошқа қўпгина мамлакатларда қўнг аҳамият қаратилмоқда.

Биз ҳам 2012-2014 йиллар давомида чигирткаларга қарши юқори таъсирчанликка эға бўлган бактерия, замбурўг намуналарини излаб топиш, уларнинг қўрқумларини аниқлаш, касалликлар натижазида чигирткалар сонининг қўгаралаб қўриш ва қўлажақда шу зарарқўнандаға қарши қўчли агрессив намуналаридан микробиологик усулға имқоният яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бордиқ.

Шу мақсадда табиатдан касалланган ва нобуд бўлган чигирткалардан касаллик қўзгатувчи микроорганизмларни йиғиб олиш мақсадида, Қашқадарё вилоятининг, Қўзор, Нишон, Қамаши туманларидағи, Қўнгсой, Қилим, Қачқамар Қалми, Қорақалпоғистон Республикасининг Қегейли, Қуйноқ туманларининг Шеға, Мақпалқўл, Қиззах вилоятининг, Қориш тумани, Қўрқондарё вилоятининг, Бойсўн туманидағи Сайрўб, Тошқент вилоятининг, Бўқа, Қскент туманлари ҳудудларида ҳамда Фаргона вилоятининг, Фаргона тумани, Андижон вилоятининг, Марҳамат тумани, Наманган вилоятининг, Қўрқок ва Уйчи туманларидағи ҳудудларида маҳсус йўналишларда, баҳорғи, ёзғи ва қўзғи илмий тадқиқотлар асосида қўзатувлар олиб борилди. Ёрта баҳордан бошлаб чигирткаларни оммавий ривожланиш даврида, қишлаб қикқан қўзачалардан личинкаларнинг қикишида йиғиб

4.21-расм
Республикада энзимопатоген микроорганизмлар билан зарарланиш даражаси (%).
(ЎХҚИТИ, лаборатория шариотида, 2012-2014 йй.).



келинди ва соғломлари лаборатория шароитида махсус уяча “садок”ларда боқилди.

Касалланган ва нобуд бўлган чигирткалардан як қол касаллик белгилари аниқланганда микробиологик ташхис қилинди. Нобуд бўлган ва касалланган чигирткаларни асосан кимёвий ишлов берилмаган ҳудудлардан йиғиб келтирилди.

Кузатув олиб борилган майдонлардан баҳорги ва ёзги мавсумларда жами 4808 дона чигиртка, тухум кузача ва личинкалари йиғиб олинди булардан нобуд бўлганлари 2865 дона, касалланганлари эса 1943 дона бўлиб, уларни лаборатория шароитида микробиологик ташхисдан ўтказилди.



2012-2014 йилларда Республикамиз вилоятлари ҳудудларидан йиғиб келинган нобуд бўлган ва касалланган чигирткалар микробиологик таҳлиллардан ўтказилганда таҳлил натижалари қуйидагича бўлди: Сурхондарё вилоятида замбуруғлар-19,2%, бактериялар-6,9%, ва бошқа микроорганизмлар билан зарарланганлари-22,3%, ташиш давомида нобуд бўлганлари-51,5%, Кашкадарё вилоятида замбуруғлар-3,0%, бактериялар-1,5%, ва бошқа микроорганизмлар билан зарарланганлари-32,8%, ташиш давомида нобуд бўлганлари-62,8%, Тошкент вилоятида замбуруғлар-16,7%, бактериялар-11,1%, ва бошқа микроорганизмлар билан зарарланганлари-18,5%, ташиш давомида нобуд бўлганлари-53,7%, Жиззах вилоятида замбуруғлар-16,3%, бактериялар-10,8%, ва бошқа микроорганизмлар билан зарарланганлари-20,0%, ташиш давомида нобуд бўлганлари-57,6%, Фарғона вилоятида замбуруғлар-13,6%, бактериялар-7,6%, ва бошқа микроорганизмлар билан зарарланганлари-21,2%, ташиш давомида нобуд бўлганлари-57,6%, Андижон вилоятида замбуруғлар-12,9%, бактериялар-8,3%, ва бошқа микроорганизмлар билан зарарланганлари-15,2%, ташиш давомида нобуд бўлганлари-63,7%, Наманган вилоятида замбуруғлар-12,9%, бактериялар-7,7%, ва бошқа микроорганизмлар билан зарарланганлари-17,6%, ташиш давомида нобуд бўлганлари-61,8%, Қўрақалпоғистон Республикасида замбуруғлар-20,8%, бактериялар-13,1%, ва бошқа

микроорганизмлар билан зарарланганлари-27,6%, ташиш давомида нобуд булганлари-38,5%ни ташкил этди (4.21-расмга қаранг).

Бу биологик материаллардан бактерия намуналари 291 та, замбуруг намуналари 480 та бўлиб, улар ҳар хил озиқа мухитларда устирилиб ажратиб олинди.

Замбуруг билан зарарланган чигирткаларни аниқлаш учун озиқа мухитларда яъни, Чапека мухити, картошкали агар, агарланган пиво суслосида, бактерияларни гуштли пептон агар ва картошкали агарда экилиб, касаллик кузгатувчи бактерия намуналарини нобуд булган чигирткалардан ички катламидан, замбуруг намуналарини ташки катламидан ажратиб олиш учун спирт билан тозаланиб физиологик эритмада суспензия тайёрлаб, каттик озуқа мухитларда Петри лycopчaларига экилди ва иситгич(термостат)да 25-27 С ҳароратда 4-5 кун ундирилди.

Ўтказилган тадқиқотларда маълум бўлдики баҳор фаслида йиғилган чигиртка кузачаларидан чиққан личинкалар купрок замбуруглар билан зарарланиши, ёз мавсумида йиғиб келинган чигирткалар эса бактериялар билан касалланиши аниқланди (4.22- расмга қаранг).



1 2

4.22-расм. Зарарли чигирткаларнинг касалликлар таъсирида нобуд бўлиши.

1 - Марокaш чигирткасининг замбуругли касаллик таъсирида нобуд бўлиши.

2 - Чигирткалардан ажратиб олинган замбуруглар коллекцияси.

Замбуруглар билан зарарланган личинкалар бошлангич даврида 3-4 кун ичида касаллик асоратлари сезилмасада, лекин чигирткалар ҳаракатларининг сустлиги, танасининг устки

кисмининг бушашиши, уларнинг ташки мухитга кам таъсирчанлиги кузатилди. Чигирткаларнинг ёппасига нобуд булиши 7-10 чи кунлари кузатилди ва танасини замбуруг ипчалари камраб олди.

Ундирилган бактерия ва замбуруглардан суртма тайёрланиб колониясининг шакли, зичлиги урганиб чиқилди ва кейинги кузатишларда ажратиб олинган бактерия ва замбуруг штаммларини қайси оила ёки авлодга мансублиги аниқланди.

Ажратиб олинган замбуруг намуналардан *Aspergillus* туркумига мансуб 22 та; *Beauveria* туркумига мансуб 5 та; *Cephalosporium* туркумига мансуб 11 та; *Cladosporium* туркумига мансуб 8 та; *Metarhizium* туркумига мансуб 4 та; *Penicillium* туркумига мансуб 15 та намунаси ажратиб олинди (4.6-жадвалга Қаранг).

Биз чигирткалардан ажратиб олинган замбуруг турларидан асосан *Metarhizium* ва *Beauveria* туркумига мансуб турлари амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Лекин улардан шу кунгача Республикамизда чигирткаларга қарши фойдаланишга яроқли бўлган, юқори самара берувчи биопрепарат яратиш шу кунгача амалга оширилмаган.

4.6-жадвал

Қасалланган ва нобуд бўлган чигирткалардан ажратиб олинган

замбуруг намуналари (УХҚ, ИТИ, лаборатория тажрибаси, 2012-2014 йй.).

№	Ажратилган замбуруг туркуми	Жами ажаратилган намуна сони	Чигирткалар ривожланиш босқичи	
			Личинка-ларидан	Етук зотидан
1.	<i>Aspergillus niger</i> van Tieghem J-44 ¹	22	7	15
2.	<i>Beauveria bassiana</i> Ф-38	5	1	4
3.	<i>Cephalosporium acremonium</i> Corde К.-43 ¹	11	4	7
4.	<i>Cladosporium</i>	8	1	7
5.	<i>Metarhizium</i> sp. К-19	4	2	2
6.	<i>Penicillium fellutanum</i> B ionge	15	7	8
Жами		65	22	43

Биз чигирткалардан ажратиб олган бошка турдаги микроорганализмлар асосан табиатда кенг таркалган сапрофит турлар булиб, улар хашаротлар танасида яширин (латент) холатда учрайди, баъзан эса нокулай шароитда физиологик жихатдан анча заиф чигирткаларда касаллик чакириши мумкин.

Шунингдек чигирткалардан ажратиб олинган микроргапизмлардан бактерияларнинг *Bacillus* туркумига мансуб 14 та; *Bacterium* туркумига мансуб 35 та; *Coccaceae* туркумига мансуб 4 та намуналари мавжудлиги аникланди (4.7-жадвалга қаранг).

4.7-жадвал

Касалланган ва нобуд булган чигирткалардан ажратиб олинган

бактерия намуналари

(УХКМТИ. лаборатория тажрибаси, 2012-2014 йй.).

№	Ажратилган бактерия намуналари	Жами Ажратил- ган сони	Чигирткаларнинг ривожланиш боскичлари	
			Личинка- ларидан	Етук зотидан
1.	<i>Bacillus thuringiensis</i> sp. J-103 ¹	14	8	6
2.	<i>B. cereus</i> J-112 ¹	35	19	16
3.	<i>Coccaceae</i>	4	1	3
Жами		53	28	25

Биз кейинги тажрибаларимизда, ажратиб олинган замбуруг ва бактерия намуналарини чигиртка личинкаларига нисбатан патогенлик даражасини аниклаб, асосан истикболли штаммларни танлаб олишни вазифа килиб белгиладик.

2012-2014 йилларда табиатдан иклим шароити турлича булган вилоятлардан йигиб келтирилган намуналар йилларга мос равишда 59-157 дона касалланган ва 92-95 донаси нобуд булган чигирткалардан микробиологик тахлиллардан утказилди.

Ўтказилган илмий тадқиқотлардан хулоса килиб айтганда, йигиб келтирилган биологик намуналардан замбуруглардан *Aspergillus*, *Beauveria*, *Cephalosporium*, *Metarhizium*, *Penicillium* таъсирида 3,0-20,8% гача; бактерия намуналаридан эса *Bacillus*, *Bacterium* билан 1,5-13,1% гача бошка касалликлар билан эса 15,2-32,8% гача зарарланиб нобуд булар экан. 2012-2014 йиллар

давомида ўтказилган илмий тадқиқотларимизда маълум бўлдики Республикаимизда чигирткалар тарқалган ҳудудларда уларнинг турли энтомопатоген микроорганизмлар таъсирида нобуд бўлиши ва касалланиши оқибатида уларнинг ёппасига кирилиб кетишини таъминламасада уларнинг сонини табиий маълум даражада чегаралаб турар экан.

4.2. Истикболли энтомопатоген микроорганизмларнинг зарарли чигирткаларга қарши таъсирчанлигини баҳолаш

Юкорида табитдан йиғиб келинган чигирткалардан ажратиб олинган замбуруг ва бактерия намуналарини зарарли чигирткаларга Қарши лаборатория шароитида таъсирчанлигини баҳолаш буйича тажрибалар ўтказилди.

Дастлаб замбуруг ва бактерия намуналарини 17-20 кун давомида озука мухитларда 30-32°C ҳароратда устирилиб, спролар Горяева камерасида ҳисобланиб, ҳар хил титрларда эритмалар тайёрланди. Чигирткаларга бактерия намуналари озука орқали, замбуруг намуналарини эса хашаротга контакт усулида ишлов бериб касаллантириш у сули билан зарарлантирилди.

Лаборатория шароитида ўтказилган тажрибада Республикаимизда кенг тарқалган соғлом марокаш чигирткасининг личинкаларини 16 тадан банкага, солиниб замбуруг намуналарини 1 мл эритмада, титри 5×10^7 млн ва 1 млрд, бактерия намуналарини эса

1 мл эритмада, титри $2,5 \times 10^7$; 5×10^7 млн споралар билан ишлов берилди. Ишловдан кейинги кузатув назорат ишлари тажрибаларда 5, 9, 15 ҳисоб кунларида олиб борилди. Тажрибада чигирткаларни патоген касаллик кузгатувчи замбуруг ва бактериялар таъсирида нобуд бўлганлигини аниқлаш мақсадида нобуд бўлган чигирткаларни турли озука мухитларда устирилди ва микроскоп ёрдамида уларнинг туркумлари аниқланди.

Андоза вариантида кимёвий препаратлардан Атилла, 5% эм.к. —0,25 л/га сарф-меъёрида, микробиологик биопрепаратлардан Грин

Гард-0,5 л/га сарф-меъёрида кулланилди, назоратда вариантида эса озикага тоза сув билан ишлов берилди.

4.8-жадвал

**Чигирткалардан ажратиб олинган касаллик кузгатувчи замбуругларнинг
марокаш чигирткасининг личинкаларига қарши таъсирчанлиги**
(УЎЎТИ, лаборатория тажрибаси, 20] 2-2014 йй.).

№	Замбуруг намуналари	Ишлов гача чигирт калар сони, дона	1 мл эритмадаги споралар сони млн. хисобида(титри) 5x10 ⁷ 1 млрд.					
			Ишловда] кейинги нобуд булган э фоизи, чигирткалар кунлар хисобида					
			5	9	15	5	9	15
1.	<i>Beauveria bassiana</i> Bals Vuil G-23 ¹	16	0,0	25,0	62,5	6,2	31,2	75,0
2.	<i>Beauveria bassiana</i> Ф-38	16	0,0	31,2	68,7	12,5	43,7	81,2
3.	<i>Aspergillus niger</i> van Tieghem G-44 ¹	16	12,5	31,2	56,2	12,5	37,5	68,7
4.	<i>Cephalosporium acremonium</i> Corde K-43 ¹	16	9,0	25,0	66,6	16,6	41,6	83,3
5.	<i>Verticillium lecanii</i> (Zimm) T-71 ¹	16	8,3	50,0	58,3	8,3	33,3	66,6
6.	<i>Metarhizium</i> sp. K-19 ¹	16	8,3	33,3	66,6	16,6	41,6	83,3
7.	<i>Penicillium fellutanum</i> Bionge	16	0,0	8,3	41,6	0,0	16,6	50,0
8.	Грин Гард-0,5л/га (андоза)	16	41,6	66,6	83,3	50,0	83,3	91,6
9.	Атилла, 5%-0,25л/га (андоза)	16	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
10.	Назорат (сув билан ишлов)	16	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

Касалланган ва нобуд булган чигирткалардан ажратиб олинган замбуругларнинг чигирткалар личинкаларига таъсирчанлигини аниклаш буйича кузатувларимизда 7 та замбуруг намуналарининг 1 мл эритмада 5x10⁷ титрдаги суспензияларининг билан марокаш чигирткасига ишлов берилганда хисоб кунининг 5 - кунда 8,3- 12,5%; 9 - кунда 8,3-50,0%; 15 - кунда 41,6-68,7%; 1 мл эритмада 1 млрд. эритма билан ишлов берилганда хисоб кузатувимизнинг 5 -

кунида 6,2-16,6%; 9 - кунида 16,6-43,7%; 15 - кунга келиб эса 50,0-83,3% биологик самарадорликни ташкил этди (4.8-жадвалга қаранг).

Ажратиб олинган 6 та бактерия намуналарининг 1 мл эритмада $2,5 \times 10^7$ млн титр спора билан марокаш чигирткасининг личинкаларига қарши ишлов берилганда ҳисоб кузатувимизнинг 5 чи кунида 6,2-25,0%; 9 - кунида 18,7-56,2%; 15 кунида 33,0-73,3% биологик самарадорликни қайд этган. 1 мл эритмада 5×10^7 млн титр спора билан ишлов берилган вариантда ҳисоб кузатувимизнинг 5 - кунида 6,2-25,0%; 9 - кунида 25,0-62,5%; 15 - кунга келиб эса 40,0-86,6% гача биологик самарадорликка эга бўлди (4.9-жадвалга қаранг).

4.9-жадвал

Чигирткалардан ажратиб олинган касаллик кузгатувчи бактерияларнинг марокаш чигирткасининг личинкаларига қарши таъсирчанлиги

(УИЦТИ, лаборатория тажрибаси, 2012-2014 йй.).

Бактерия намуналари	Ишлов-гача чигирт калар сони. дона	1 мл эритмадаги споралар сони млн. хисобида(титри)					
		2,5x10 ⁴ 5x10 ⁴					
		Ии чиги	шовдан кейинги нобуд булган ртқалар фоизи, кунлар хисобида				
			5	9	15	5	9
<i>Bacillus thuringiensissp. J-103¹</i>	16	25,0	56,2	73,3	25,0	62,5	86,6
<i>B. cereus</i> G 112*	16	0.0	56,2	66,6	6,2	50,0	83.3
К 1291	16	0.0	18.7	46,6	0.0	37.5	60.0
К 1371	16	12.5	50,0	60,0	12.5	56.2	66.6
К 1031	16	6,2	25,0	46.6	0.0	31.2	46.2
T-1141	16	6,2	23.0	33.0	6.2	25.0	40.0
Атилла, 5% эм.к. - 0,25л/га (андоза)	16	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100.0
Назорат (сув билан ишлов)	16	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

2012-2014 йиллар давомида ўтказилган лаборатория тажрибамизда маълум бўлдики нобуд бўлган ва касалланган чигирткалардан ажратиб олинган 7 та замбуруг намуналаридан *Beauveria bassiana* Ф-38, *Cephalosporium acremonium* Corde (К-43¹), *Metarhizium* sp. (Т-81¹) юкори самарадорликни ташкил этган бўлса; 6 та бактерия намуналаридан *Bacillus thuringiensis* sp.(G Ю3¹), *B. cereus* (G 112¹) намуналари марокаш чигирткасининг

личинкаларига қарши таъсирчанлиги юкори самарали эканлиги кузатилди.

Лаборатория шаронтидаги касалланган ва нобуд булган чигирткалардан ажратиб олинган замбуруг ва бактерия намуналари осие чигирткасининг личинкаларига қарши таъсирчанлиги урганиш буйича хам тажрибалар утказилди. Бунда осие чигирткасининг соглом личинкаларини 20 тадан банкага солиниб замбуруг ва

бактерия намуналарини 1 мл эритмада, титри $2,5 \times 10^7$ млн; 5×10^7 млн ва 1 млрд. споралар билан ишлов берилди.

Андоза вариантида кимевий препаратлардан атилла, 5% эм.к.,- 0,25 л/га сарф-меъёрида, микробиологик биопрепаратлардан Грин Гардни-0,5 л/га сарф-меъёрида кулланилди. Назоратда эса озикага тоза сув билан ишлов берилди. Ўтказилган тажриба натижалари буйича олинган маълумотлар 4.10-4.11-жадвалларда келтирилган. Осие чигирткасининг личинкаларига 5×10^7 ; 1 млрд. спора 1 мл эритмада кулланилган вариантларда самарадорлиги юкорирок булиб, *Beauveria bassiana* Ф-38; замбуруг намуналари хисоб кунларининг 5,9,12,15 кунлари нисбий равишда 4,0-25,0-43,7-56,2%;

42,8- 59,1-79,5-79,5%; *Metarhizium* sp.- К-19¹ эса 2,0-18,7-37,5-47,9%; 29,1-41,6-56,2-75,2% биологик самарадорликни ташкил этди. *Aspergillus niger*-С-33 ва *Cephalosporium acremonium* Corde-К-43 замбуругларининг биологик самарадорлиги мос равишда бироз кам булиб, ?;исоб кунларида 10,4-37,5-45,8-62,5%; 28,5-44,8-65,3-69,0% ва 6,1-12,5-33,3-47,9%; 26,5-56,2-66,6-73,1% биологик самара берганлиги кайд этилди.

Лаборатория натижаларидан маълум булдики, ажратиб олинган бактериялардан осие чигирткасига қарши таъсири *B. thuringiensis* sp. Н-103¹ мл. эритмада $2,5 \times 10^7$ спора билан ишлов берилганда хисоб кузатувимизнинг 5,9,12,15 кунлари мос равишда

6,0- 20,0-38,0-52,1%; *B. cereus* 129да 10,4-27,0-39,5-47,9%; *B. thuringiensis* Danicus Ж-78 7,0-15,3-26,1-38,3% биологик самарадорликни ва 1 мл эритмада 5×10^7 спора билан ишлов берилганда эса юкоридаги хисоб кунларда 26,0-56,6-66,2-72,4%;

20,8- 39,5-56,2-66,6%; 6,0-21,0-39,0-55,0% биологик самарадорликни ташкил этди.

Шундай килиб, таъсирчанлик кобштятлари юкори булган замбурут намуналарини турли озика мухитларда купайтирилиб марокаш чигирткасининг личинкаларига қарши лаборатория тажрибаларида юкори биологик самарали энтмопатоген замбуруглари марокаш чигирткасининг личинкаларига қарши махсус урнатилган уяча (садок) ларда кичик дала тажрибалари олиб борилди.

4.10-жадвал

Чигирткалардан ажратиб олинган касаллик кузгатувчи замбуругларнинг осие чигирткасининг личинкаларига қарши

таъсирчанлиги.

(УЦИТИ, лаборатория тажрибаси, 2013-2014 йй.).

Замбурут намуналари	Ишлов гача чигирткалар сони, дона	1 мл эритмадаги споралар сони млн. хисобида (титри)							
		5x10 ⁷ 1 млрд.							
		Ишловдан кейинги нобуд булган чигирткалар фоизи, кунлар хисобида							
		5	9	12	15	5	9	12	15
<i>Metarhizium</i> sp.- K-19'	20,0	2,0	18,7	37,5	47,9	29,1	41,6	56,2	75,2
<i>Cephalosporium acremonium</i> Corde- K-43	20,0	6,1	12,5	33,3	47,9	26,5	56,2	66,6	73,1
<i>Beauveria bassiana</i> Ф-38	20,0	4,0	25,0	43,7	56,2	42,8	59,1	79,5	79,5
<i>Aspergillus niger</i> -C-33	20,0	10,4	37,5	45,8	62,5	28,5	44,8	65,3	69,0
Г рин Г ард-0.5л/га (андоза)	20,0	59,0	69,0	78,6	82,0	47,3	63,0	85,4	89,3
Атилла, 5% эм.к. - 0,25л/га (андоза)	20,0	96,3	100	100	100	100	100	100	100
Назорат (сув билан ишлов)	20,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

Хар бир уяча (садок) ларга 25 донадан марокаш чигирткасининг личинкалари жойлаштирилди ва уларни озика билан биргаликда 1 мл. сукцилик эритмада титри 5x10⁷ млн

споралар кушилган ишчи эритмани кул аппаратлари ёрдамида ишлов берилди.

Кичик дала тажрибамизда ҳисоб кузатувларимизни 3, 5, 7, 9, 14, 21 кунлардан кейин олиб борилди. Тажрибамизнинг 3-5-7- кунларида биологик самарадорлиги паст булган булсада, тажрибамизнинг 9- кунига келиб *Beauveria bassiana* Ф-38 изоляти 74.5%: 14-21-кунлардан кейин эса, 75,5%; *Cephalosporium acremonium* Corde-K-43 изоляти билан ишлов берилган вариантда энг юкори биологик самарадорлиги 9-14 кун-

4.1 1-жадвал

Чигирткалардан ажратиб олинган касаллик кузгатувчи бактерияларнинг осие чигирткасининг личинкаларига қарши таъсирчанлиги

(УХ,К,ИТИ, лаборатория тажрибаси, 2013-2014 йй.).

№	Бактерия намуналари	Ишлов гача чигирткалар сони, дона	1 мл эритмадаги споралар сони млн. ҳисобида (титри)							
			2,5x10' 5x10'							
			Ишловдан кейинги нобуд булган чигирткалар фоизи, кунлар ҳисобида							
			5	9	12	15	5 9	12	15	
1.	<i>Bacillus thuringiensis</i> sp. H-103 ¹	20,0	6,0	20,0	38,0	52,1	26,0	56,6	66,2	72,4
2.	<i>B. cereus</i> 129*	20,0	10,4	27,0	39,5	47,9	20,8	39,5	56,2	66,6
3.	<i>Bacillus thuringiensis</i> Danicus Ж-78	20,0	7,0	15,3	26,1	38,3	6,0	21,0	39,0	55,0
4.	Атилла, 5% эм.к., - 0,25л/га(андоза)	20,0	100	100	100	100	100	100	100	100
5.	Назорат (сув билан ишлов)	20,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

лардан кейин, 61,5-67,3%; *Metarrhizium* sp.- К-19¹ изоляти билан ишлов берилганда ушбу маҳал ли й изолят марокаш чигирткасининг личинкаларига қарши биологик самарадорлиги ҳисоб кузатувимизнинг 5-кунида 20,0%, 7-9-кунларида, 60,0-70,0%, 14 кундан кейин эса 71,4% биологик самарадорликни ва 21 кундан кейин ҳам ушбу самарадорлик узгармасдан 71,4% булганлиги олиб борилган илмий тажрибаларимизда аниқланди.

Андозада кулланилган Грин Гард биопрепарти эса марокаш чигирткасига қарши юкори самарадорликни кайд этди. Шунингдек, яна бир андозада кулланилган атилла, 5% эм.к., кимёвий препарата Хам марокаш чигирткасининг личинкаларини ёппасига нобуд этганлиги кузатилди (4.12-жадвалга қаранг).

2012-2014 йилларда олиб борилган илмий тадкотлар шуни курсатдики, чигирткаларда учрайдиган касалликлар кенг майдон учокларини ташкил килмасада, лекин табиатда чигирткаларнинг табиий сонини маълум даражада чегаралаб турувчи касаллик кузгатувчи микроорганизмлар етарли эканлиги аникланди.

4.12-жадвал

Замбуруг намуналарининг марокаш чигирткасининг II-III ёш личинкаларига қарши биологик самарадорлиги

(УХВ*ИТИ, лаборатория тажрибаси, цул пуркагичи, май-июн. 120 л/га, 2012-2014 йй.).

Вариантлар	Сарф- меъёри, л/га	Битта уяча(садок)даги чигирткаларнинг уртача сони, дона.						
		Иш- лов- гача	Ишловдан кейинги кунларда:					
			3	5	7	9	14	21
Назорат (сув билан ишлов)	-	25,0	25,0	25,0	25,0	24,1	23,3	21,0
Атилла, 5% эм.к. (андоза)	0,25	25,0	6,0	1,5	1,0	1,0	1,0	1,0
Грин Гард с.э. (андоза)	0,5	25,0	16,5	12,0	8,0	3,5	3,0	1,5
<i>Beauveria bassiana</i> Ф-38	5x10'	25,0	21,0	16,0	12,0	6,5	6,0	6,0
<i>C. acremonium</i> Corde-K-43	5x10'	25,0	24,0	19,5	11,5	9,5	8,0	8,0
<i>Metarhizium</i> sp.- K-19*	5x10'	25,0	22,0	20,0	10,0	7,5	7,0	7,0
биологик самарадорлик, %								
Назорат (сув билан ишлов)	-	25,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Атилла, 5% эм.к. (андоза)	0,25	25,0	76,0	94,3	96,0	96,0	95,9	95,9
Грин Гард с.э. (андоза)	0,5	25,0	34,1	52,0	68,1	85,7	87,7	93,8
<i>Beauveria bassiana</i> Ф-38	5x10'	25,0	16,0	36,3	52,4	74,5	75,5	75,5
<i>C. acremonium</i> Corde-K-43	5x10'	25,0	4,0	22,6	54,3	61,5	67,3	67,3
<i>Metarhizium</i> sp.- K-19'	5x10'	25,0	12,0	20,0	60,0	70,0	71,4	71,4

ЭКФ₀₅=

8,3 6,6 6,9 7,1 4,1 3,8

Касалланган ва нобуд булган чигирткалардан ажратиб олинган касаллик кузгатувчи замбуруглардан *Beauveria bassiana* Ф-38 ва *Metarhizium* sp.- K-19 намуналари марокаш чигирткасининг

личинкаларига қарши кичик дала тажрибаларида биологик самарадорлигининг нисбатан юкорилигини ҳисобга олган ҳолда, келгусида уларнинг патогенлигини янада ошириш ва иктисодий жихатдан арзон озика мухитларда купайтирилиб, биопрепарат шаклиги келтириш тавсия этилади.

4.3. Метаризиум (*Metarhizium*) замбуруги асосида яратилган микробиологик биопрепаратлардан фойдаланишнинг биологик самарадорлиги

Усимликлар зараркунандалари ва касалликларига қарши куллаш учун АКШда 70 та, Хитойда 17 та, Россияда эса 33 та биопрепаратлар фойдаланиш руйхатга киритилган [77; 3-4-6.].

Жаҳонда илк бор зараркунандаларга қарши энтомопатоген замбуруглари- С.М.Красильшик, И.И.Мечников [10; 74-171-6.] куллашни тавсия этиб, улар биринчи бўлиб лавлаги узунбурунига қарши *Metarhizium anisopliae* замбуругини куллаб куришдан бошлаган [74; 28-6.].

Ҳозирги кунда зарарли чигирткаларга қарши микробиологик кураш усулидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратилиб, ушбу йуналишда бирмунча ютуқларга эришилди [291; 293-303-6.]. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида купгина давлатларда *Metarhizium* турига оид замбуруг штаммлардан тайёрланган биопрепаратдан фойдаланиб, ушбу биопрепаратни ҳозирги кунда зарарли чигирткаларга қарши кураш олиб боровчи давлатларда «яшил химоя» деб юритилади [300; 541-546-6.]. [332; 239-242-6.], [313; 253-259-6.].

Зарарли чигирткаларга қарши курашда замбуруг штамми асосида тайёрланган воситалар *Metarhizium* spp., ва *Beauveria bassiana* ни ҳар қандай ноқулай шароитда ҳам чигирткаларга таъсири юкорилиги, табиатга безарарлиги ва чигирткаларни нобуд қилиш тезлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу биопрепаратларни бир Катор давлатларда кимёвий воситалар урнида фойдаланилмокда [314; 200-207-6.].

Биз ҳам Республикамизнинг тоғолди, яйлов ва чул худудларида учрайдиган зарарли чигирткаларга қарши *Metarhizium* асосида дунёнинг етакчи давлатларида яратилган микробиологик Грин Гард, Килока, Новакрид биопрепаратлари ҳамда ушбу биопрепаратнинг бошланғич таъсирини кучайтириш мақсадида кимёвий модда қушилган Фаст Килока биопестицидининг имкониятлари ва улардан фойдалинишнинг аҳамиятини ишлаб чиқиш буйича лаборатория ва дала шароитларида биологик самарадорлигини аниклаш ва келгусида зарарли чигирткаларга қарши экологик кураш тизимини яратиш буйича тажрибалар олиб борилди.

4.3.1. Зарарли чигирткаларга қарши Грин Гард биопрепаратининг қўллаш афзаллиги

Австралия давлатида маҳаллий *Metarhizium anisopliae* var. *acridum*., штаммлардан тайёрланган Грин Гард «Becker Underwood Pty» компаниясида тайёрланган ушбу биопрепаратни илк маротаба Республикамизда асосий зарарли чигирткалардан марокаш ва турон чигирткаларига қарши биологик самарадорлигини урганиш буйича лаборатория ва дала тажрибалари ўтказилди.

Тажрибаларни УХДИТИда лаборатория шароитда ва Жиззах вилояти, Зомин тумани, Бешкуби худудида ўтказилди. Лаборатория шароитидаги УХДИТИда махсус садокларда ва шиша банкаларда, асосан етук зотли турон, марокаш чигирткалари садок ва банкаларга ўртача 20-24 донадан соғлом чигирткалар қўйилди (4.13-жадвалга қараңг).

Лаборатория шароитидаги тажрибага қўйилган чигирткаларга табиий равишда ўсган усимликлар Грин Гард биопрепарата билан андоза вариантида димилин, 48% сус.к., препарата билан ишлов берилган назоратда эса чигирткаларга оддий тоза сув сепилган ўтлар билан озиклантириб борилди. Кузатувлар 1, 3, 5, 7, 9, 14, 19 кунлари биологик самарадорлигини урганиш буйича ҳисоб кузатув ишлари олиб борилди. Тажрибаларимизнинг 1,3 кунларда

